



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
25-dekabr
payshanba
№ 50 (1476)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ hurriyatuz@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

НУҚТАИ НАЗАР

ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ НИМА УЧУН КЕРАК?

Шу йилнинг ўтган ойда Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ташаббусларни илгари сурган эди. Айниқса, Марказий Осиё Оқсоқоллар кенгашини таъсис этиш таклифи катта қизиқиш уйғотди. Баъзилар учун бу аъёналарга қайтишдек туюлса, бошқалар учун минтақавий дипломатиянинг янги шакли бўлиб кўринади. Ушбу ташаббуснинг асл маъноси нимада ва у Марказий Осиёнинг келажаги учун қандай амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин?

“Дунё” АА мухбирининг ушбу саволига Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари Акрамжон НЕЪМАТОВ жавоб берди:

— Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё Оқсоқоллар кенгашини ташкил этиш ташаббуси ҳақиқатан ҳам алоҳида эътиборга лойиқ, чунки у одатий институционал ечимлар доирасидан чиқиб, минтақамизнинг чуқур ижтимоий ва маданий мантиғига таянади. Гап расмий орган ёки сиёсий тузилма ҳақида эмас, балки Марказий Осиё жамиятларининг барқарорлиги ва ички уйғунлигини тарихан таъминлаб келган ижтимоий келишув механизмлари ҳақида бормоқда.



Марказий Осиё жамиятлари тарихан ижтимоий тинчликни сақлаш, низоларни ҳал қилиш ва келишилган ечимларни ишлаб чиқиш механизми сифатида оқсоқоллар институтига таянган. Расмий-юрidik тузилмалардан фарқли ўлароқ, оқсоқоллар ишонч, тажриба, аъёналарни билиш ва жамият томонидан тан олинисига асосланган қонунийликка эга эдилар. Ижтимоий ҳолисликнинг айнан шу шакли сиёсий ўзгаришлар, ташқи таҳдидлар ва ички зиддиятлар шароитида ҳамжамятларнинг барқарорлигини таъминлади.

Ушбу мантиқни минтақавий даражага кў-

чириш давлатлараро мулоқотнинг ўзига хос норасмий йўналишини яратишга имкон беради, бу эса ҳозирги сиёсий вазиятнинг босими, мафкуравий тафовутлар ва ташқи таъсирлардан холи бўлади. Оқсоқоллар кенгаши расмий институтларнинг ўрнини босмайди ва давлат органлари билан рақобатлашмайди, балки уларни тўлдирди, расмийлаштиришга тайёр бўлмаган нозик масалалар муҳокама қилиниши мумкин бўлган ишончли мулоқот майдонини яратади.

Минтақавий хавфсизлик нуқтаи назаридан, Оқсоқоллар кенгаши превентив дипло-

матия вазифасини бажаришга қодир. Унинг аъзолари юксак маънавий обрў-эътиборга ва минтақавий хусусиятларни чуқур билиш, кескинлашув хавфини ўз вақтида аниқлаш, вазиятни юмшатиш, инқирозли ҳолатларда воситачилик қилиш ва муаммолар очиқ босқичга ўтмасидан аввал мurosали ечимларни таклиф этиш қобилиятига эгадирлар. Бундай ёндашув можароларнинг олдини олишнинг энг яхши халқаро тажрибаларига мос келиб, шу билан бирга Марказий Осиёнинг ўзига хос аъёналарига асосланган.

Оқсоқоллар кенгаши “ижтимоий елим” сифатида минтақавийликни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга. Расмий интеграция механизмлари кўпинча суверенитетнинг чекланиши, ишончсизлик ва миллий манфаатларнинг фарқланиши билан тўқнаш келадиган шароитда айнан норасмий институтлар умумийлик, бирдамлик ва ўзаро масъулият туйғусини сақлаб қолиш имконини беради. Оқсоқоллар кенгаши минтақавий қадриятлар — яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик, мurosа ва тинч-тотув яшашнинг тарғиботчиси ва ифодачисига айланиши мумкин.

Бундан ташқари, Оқсоқоллар кенгашининг маслаҳатчи сифатидаги роли узоқ муддатли ва оқилона қарорлар қабул қилишга кўмаклашади. Оқсоқоллар бир лаҳзалик сиёсий ҳисоб-китобларга эмас, балки тарихий тажриба, маданий хотира ва жамоатчилик кайфиятини тушунишга таяниб, умумий минтақанинг барқарор ривожланишига қаратилган тавсиялар бера оладилар. Бу, айниқса, сув-энергетика

ресурслари, экологик таҳдидлар, миграция, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлик ва гуманитар ҳамкорлик масалаларида муҳим аҳамиятга эга.

Оқсоқоллар кенгаши Марказий Осиё мамлакатлари жамиятлари назарида минтақавий ҳамкорликнинг қонунийлигини кучайтириши муҳимлигини таъкидлаш лозим. Унинг фаолияти нафақат элиталар, балки минтақа халқларининг ҳам қарор қабул қилиш жараёналарига жалб этилганлик ҳиссини уйғотади. Шу тариқа, давлатлар ва жамиятлар ўртасида, авлодлар ўртасида, ўтмиш тажрибаси ҳамда келажақдаги тараққиёт стратегиялари ўртасида кўприк яратилади.

Шуни таъкидлаш керакки, минтақаларнинг барқарорлиги нафақат шартномалар ва институтлар орқали, балки ўзаро муносабатларнинг меъёрлари, қадриятлари, ўзига хослиги ва аъёналари орқали ҳам шаклланади. Шу маънода Оқсоқоллар кенгаши Марказий Осиё ўзига хослигини шакллантириш воситаси бўлиб, минтақа умумий тарихий йўл, умумий муаммолар ва умумий тақдир макони эканлиги ҳақидаги тасаввурни мустаҳкамлайди.

Умуман олганда, Оқсоқоллар кенгашини умумий тарихий йўл, умумий муаммолар ва умумий келажақ учун масъулият билан бирлашган Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва субъективлигини мустаҳкамлаш воситаси сифатида қўриш мумкин. Ушбу ташаббуснинг стратегик қиймати ҳам айнан шунда.

“Дунё” АА.

МУЛОҲАЗА

ГАЗЕТА КЕРАКМИ? АЛБАТТА!

Йил боши — январь ойи охирида шаҳар онкология шифохонасида нур терапияси олаётган вақтларим эди. Уйдан кўнгирок қилиб: “Почтадан сизга газета олиб келишди, олиб бориб берайликми?” — деб қолишди. “Ростданми, қанақа газета?” — сўрадим ҳайрон бўлиб, чунки ҳеч бир газетага обуна бўлмагандим.

— “Hurriyat”.

Тушундим. Бетоб бўлганим учун мени маънан кўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва “Hurriyat” тахририяти газетага обуна қилган. Жуда хурсанд бўлдим, кўнглим кўтарилди. Тўғри, ўзим уюшмада ишлаб юрган пайтларимда ҳам ҳар йили бир қанча фахрийларни

“Hurriyat”га обуна қилиб кўярдик, лекин у вақтларда мен бу ишимиз улар учун қанчалик қувонч бахш этишини билмаган ва ҳис қилмаган эканман...

Шу тарзда “Hurriyat” хонадонимизнинг азиз меҳмонига айланди, йил давомида мени миллий ва жаҳон медиа муҳити, ундаги ўзгаришлар, журналистика соҳасидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, Журналистлар уюшмаси фаолияти билан боғлаб турувчи асосий восита бўлиб қолди. Ҳар сафар газетани ўқирканман, нимадир янгилик оламан, уларни кимлар биландир ўзимча муҳокама қиламан, мунозарага бериламан. Газета келадиган кунлари нигоҳим дарвозага қадаладиган, тўп этиб ҳовлига тушган замони қўлимга олиб, босмахона

ҳиди элас-элас анқиб турган саҳифаларни аввал бир-бир варақлаб, кейин эса ёруққина айвонга яхши жойлашиб олиб, батафсил, синчиклаб ўқийдиган бўлдим.

...Бир замонлар куз келдими, обуна мавсуми бошланарди. Қизиги шундаки, ҳеч ким бизни мажбур қилмасди, айрим газеталар харидоригир бўлиб, кам микдорда ажратилгани учун ўзимиз тезроқ обуна бўлишга шошиллардик. Бунинг учун ишхонада шароит ҳам яратилиб, обуна ишлари йўлга қўйилар, жамоатчилик иши сифатида бир ходимга топшириларди. Ёдимда, бизнинг Тошкент халқаро радиосида бу иш билан, асосан, хатлар бўлими муҳаррири ва айни пайтда яна жамоатчилик асосидаги кассир Надя опа деган аёл шуғулланарди.

4-6.

ЭЪТИРОФ

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

“Мен нега айнан шу мавзунини танладим? Нима учун ўз ўқувчиларимга Янги Ўзбекистон феномени ҳақида сўзлаб бермоқчиман?”

Яқинда пойтахтимизда тақдироти бўлиб ўтган “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” номли китоб муаллифи, поксиконлик ёзувчи ва журналист Мухаммад Аббос Хон ушбу асарининг дастлабки саҳифаларида шундай саволлар билан ўзига мурожаат қилар экан, китобнинг бошидан-охиригача айни шу бош мавзу, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев илгари сурган Учинчи Ренессанс ғоясининг мазмун-моҳиятини бадиий-публицистик руҳда теран очиб беришга интилган ва бу эзгу мақсадига эришган ҳам.

КОНЦЕПТ НИМА?

Урду тилида ёзилган ва эндиликда ўзбек тилида ҳам нашр этилган муҳташам асарнинг номи ҳақида сўз юритар экан, муаллиф шундай ёзади: “Ким билади, эҳтимол, китобни “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” деб номлаганим айрим кишиларга баландпарвоз, ҳатто эриш ҳам туюлар. Аммо айнан шу “концепт” атамаси мен етказмоқчи бўлган ғояни аниқ ва тўлароқ англатади, деб ўйлайман. Фақат аъёналарга ҳурматгина эмас, балки тараққиётга, илмий ва маданий ривожланишга иштиёқни ҳам ўзида мужассам этган ғояларга

таяниб, тараққиёт чўққилари сари интилаётган бугунги Ўзбекистон чиндан ҳам буюк Ренессанс бўсағасида турибди. Буни китобнинг “шунчаки номи” деб ҳисоблай олмаيمان. Чунки Учинчи Ренессанс ғояси бу мамлакатнинг салоҳиятини англаб етган инсонлар қалбиде акс садо берадиган ноёб ғоя эканига ишончим комил”.

Ҳақиқатан ҳам, “концепт” сўзининг тушунча қамрови нихоятда кўламдор. Аввало, ушбу атама негиздаги латинча “conceptus” сўзи “тушунча” деган луғавий маънони англатишини қайд этиш лозим.

Концепт — муайян воқеликка хос белгилар билан боғлиқ образ, яъни тимсол, амалий тажриба, орзу-истак, ўй-хаёл, тушунча ва тасаввурларнинг онгу тафаккуримиздаги аксини ифода этадиган фикр, ғоя, ният деганидир.

Концепт — туйғулар ва тушунчалар ўртасидаги ўзига хос фикрий зина. У онг-тафаккурнинг далиллар, туйғулар, маданий ҳаёт тажрибаси ва тил орқали ифода этиш унсурларини ўзаро чамбарчас боғлаб туради.

Концепт — шунчаки ғоя эмас, балки инновацион ғоя бўлиб, ўзида ташаббускорлик, бунёдкорлик ва яратувчанлик моҳиятини мужассам этади.

Концепт — шунчаки сўз ё атама эмас, аксинча, тафаккур тарзимиз шакллантирган дунёнинг бутун бошли когнитив моделидир.

2-6.



УЧИНЧИ РЕНЕССАНС — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

1-6

Бинобарин, бу модель инсон ёки тизим бизга муайян вазиятнинг ўзи эмас, балки уни қандай талқин этишимиз таъсир кўрсатишини тўғри тушунишни, шу нуқтаи назарга таянган ҳолда, тегишли ахборотга ишлов бериш, фикрларни шакллантириш, ҳис-туйғуларни тарбиялаш ва қарорлар қабул қилишни тақозо этади.

Шу маънода, китобда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Янги Ўзбекистонда бунёдкор халқимиз шиддат билан пойдеворини тиклаётган “Учинчи Ренессанс” ғоясига айнан “тараққиёт концепти” дея таъриф берилгани ҳар томонлама асосли деб ҳисоблаймиз. Чунки муаллиф сўзлари билан айтганда, “Учинчи Ренессанс нафақат ижтимоий институтлар шаклларини англаш, балки инсон ҳаётининг асл моҳиятини чуқур қайта англашни билдиради. Айни пайтда у ўтмишнинг маънавий меросига таянган ҳолда замонавий глобал муаммоларга ечим топиш орқали, тафаккур, маданият ва билимга асосланган янги дунёни бунёд этишга қаратилгандир”.

ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ОЛТИН ПИЛЛАПОЯЛАРИ

Улуғ аллома аждодимиз Абу Райҳон Берунийнинг: “Вақт пиллапоёси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан-зинача кўтариладилар, холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган, ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойиладиган навбатдаги авлодга етказиб беради”, деган ғурҳимат фикрлари бор. Бу бебаҳо фикрларни изчил ривожлантириш асосида Биринчи Шарқ Уйғониш даври ва Иккинчи Шарқ Уйғониш даври — ана шу икки Ренессанс том маънода инсоният тараққиётининг олтин пиллапоёлари сифатида тарих саҳифаларига муҳрланганини алоҳида таъкидлаш фарзу қарздор.

IX-XII асрларда минтақамизда юз берган ва “Му-сулмон Ренессанси” деб номланган Биринчи Шарқ Уйғониш даврида ҳам, бутун дунёда “Темурийлар даври Ренессанси” дея эътироф этилган XIV-XVI асрлардаги Иккинчи Шарқ Уйғониш даврида ҳам жамиятда эътиқод мустаҳкам, маънавият кучли, инсонлар дунёқарашда маънавият устувор, давлатчилик тузумида маънавият ва маърифат етакчи бўлган.

“Ренессанс” (“renaître”) — французча сўз бўлиб, қайта юзага келмоқ, янгидан тугилмоқ, деган лугавий маъноларни англатади. Ўзбек тилидаги “Уйғониш даври” тушунчаси ушбу атаманинг синоними, яъни маънодоши ҳисобланади.

Ренессанснинг асосий аломатлари тафаккурда ва илму ижода доғматизм, ҳақолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуглаш, унинг истёдоди, ақлий-фикрий имкониятларини юзага чиқариш, адабиёт ва санъатда дунёвий гўзаллик, ҳаёт тароналарини қизғин қуйлаш, инсон эрки, ҳурфикрлик учун курашни мисолида ёрқин намоён бўлади. Натижада ижодий қудрат ва тафаккур кучини намоийш этадиган улугвор бадий асарлар яратилади, муқташам меъморий иншоотлар бунёд этилади, илм-фан ривожланади.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, бугунги Ўз-

бекистон ҳудуди тарихда илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги сифатида мавжуд бўлиб келган. Бу ҳақда исломга қадар мавжуд манбаларда ҳам маълумотлар келтирилган. Жумладан, “Авесто”да ҳам маънавий муҳит, илм-фан ва таълим-тарбия хусусида ўз даври учун илгор ғоялар илгари сурилган.

Ўзбекистон ҳудудлари тарихан Буюк ипак йўлининг маркази ва унинг турли тармоқлари кесишган нуқтада жойлашган. Шунинг учун Шарқ ва жаҳоннинг турли мамлакатларидан диний ва дунёвий билим олиш истагидagi инсонлар ҳамиша Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Насаф (Қарши), Кеш (Шахрисабз), Тошкент, Фарғона каби кўҳна маданият марказларига интилганлар. Бу ҳудудларда қадимги замонлардан фаолият юритган билим масканлари — мадрасалар ўз даврининг олий таълим муассасаси, яъни университетлари мақомида бўлган, дейиш мумкин.

Биринчи Шарқ Уйғониш даврида улуг алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирлар етишиб чиқди. Аниқ фанлар соҳасида Мухаммад Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фароний жаҳоншумул кашфиётлар қилдилар. Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарийнинг фалсафий асарлари башариёт тафаккур ҳазинасини бойитди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, X асрнинг охирига келиб Самарқандда 17 та мадраса фаолият юритган. Бу мадрасаларда ислом таълимоти билан бирга, дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Ўз даврида қатъо нафакат шоир, балки файласуф ва фалақийт-шунос сифатида ҳам дунё микёсида танилган Умар Хайём ҳам Самарқандда тахсил олган.

Иккинчи Шарқ Уйғониш даврида Амир Темур бунёд этган улуг салтанатнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Чунки буюк Соҳибқирон дунёнинг турли минтақаларидан олиму адиблар ва мезмору хунармандларни ўз салтанати пойтахти Самарқанд шаҳрида жамлаган. Илму маърифат ва қасб-хунар соҳибларини рағбатлантирган, бой кутубхона, расадхона ва мадрасалар бунёд эттирган.

Жумладан, Мирзо Улуғбек мадрасасида математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт, тарих, фалсафа, адабиёт каби ижтимоий-гуманитар, аниқ ва табиий фанларнинг ўқитилиши иккинчи Шарқ Ренессансининг вужудга келишига туртки бўлган. Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Али Қўши сингари кўплаб мутафаккирларимизнинг боқий номи ва бой мероси нафакат минтақамизнинг маънавий ривожда, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида муҳим ўрин тутди.

“Нур — Шарқдан таралади”, деган эди мумтоз немис файласуфи Георг Гегель. Бинобарин, Шарқ Уйғониш даври ютуқлари Ғарбий Европада юз берган алоҳида маданий ва тафаккурий тараққиёт даври, хусусан, XIV-XVI асрлардаги Италия Ренессансига бевосита таъсир кўрсатган. Айниқса, тўтаси чегара мамлакатлари: Кўрдоба (Испания), Кавказ, Болқон ямриқ оролида бу жараён кучли бўлган. Европаликлар Шарқ олимларининг асарларини лотин, испан, яҳудий тилларига қилинган таржималар орқали ёҳуд бевосита араб тилида ўқиб-ўрганганлар.

Шарқнинг бутун инсоният тарихидаги нодир ижтимоий ҳодиса бўлган ҳар икки Ренессанси буюк аждодларимизнинг илм-маърифат ва кучли эътиқод,

диний бағрикенглик ва инсонпарварлик борасидаги эзгу ғоялари билан йўғрилган эди. Бу ғоялар Ўзбекистон мустақиллиги йилларида алоҳида, янада теран маъно-мазмун қасб этиб бормоқда.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессансини XX асрда маърифатпарвар жадидлар амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани ҳақолат ва қопқоқидан олиб чиқиш, миллатимизни фағлат ботқоқидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сарфарб этганлар.

Шўқри, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад этиб белгиланди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз”.

Покистонлик адиб Мухаммад Аббос Хон ана шу асл ҳақиқатларнинг мағзини қақибгина қолмай, ҳолис эътирофу эҳтиромлирини ўзининг китобида изҳор этгани таҳсинга лойиқ. Муаллифнинг фикрича ҳам, Ўзбекистон — қадим замонлардан буюн умумбашарий тамаддуннинг вужудга келишига улкан ҳисса қўшган, дунёга илм-урфонда донги кетган юзлаб фозил устоди олийларни тарбиялаб берган илм-фан, санъат ва маданият, маънавият ва маърифат ўқоларидан биридир.

Китобда қайд этилганидек, “Халқаро илмий ҳам-жамият ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаб иҳод қилган олиму мутафаккирларнинг “Шарқ Уйғониш даври” ёки “Мусулмон Ренессанси”нинг йирик ва-киллари сифатида юксак эътироф этади. Зеро, уларнинг ютуқ ва кашфиётлари инсоният тараққиёти, маданияти ва ислом оламининг маънавий қадриятлари ривожда муносиб ўрин тутди”.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС: БУ УЛУГВОР ҒОЯ ҚАЧОН ВА ҚАЕРДА ИЛГАРИ СУРИЛГАНДИ?

Гап шундаки, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йиғирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида, Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳамда 2020 йил сентябрь ойда Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан бўлиб ўтган йиғилишдаги маърузасида мамлакатимизда Учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш ташаббусини илгари сурди. Маърузаларда донишманд халқимиз тарихида икки Ренессанси бошидан ўтказгани алоҳида таҳлил қилиниб, миллатимизнинг жаҳондаги энг илгор, тараққий этган халқлар қаторида бўлгани барчамизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлаши эътироф этилди.

Бугунги кунда биз учинчи Уйғониш даври осто-насида турибмиз. Агар Ўзбекистон Президентининг кейинги тўққиз йилда маърифат, таълим ва илм-фаннинг ривожлантириш йўлида имзолаган қонун, фармон ва қарорлари, тасдиқлаган Миллий страте-гия ва Давлат дастурлари, илгари сурган янгидан-янги ташаббусларининг мағзини тўла қақиб қўрсак, навбатдаги Маърифат Ренессансининг маркази Ўзбекистон эканига ҳеч қимда шубҳа қолмайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Халқимизнинг улугвор қудрати жўш урган ҳозирги за-

монда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, аини ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”.

Бу фикрларнинг тасдиғи сифатида “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” китоби муаллифи ўз асарига “Учинчи Ренессанс” тушунча-сига берган айрим таърифларни келтирамиз:

“Жаноб Шавкат Мирзиёев томонидан илгари су-риллаётган Учинчи Ренессанс ғояси ҳам нияҳтада муҳимдир. Ушбу эзгу ғоя илм-фан ва маърифатга асосланади, инсонпарварликка қорлайди. Янги Ренессанснинг бош мақсади — мамлакатни равақ топтириш, юрт фаровонлигига эришиш”;

“Ишончим қомилки, Учинчи Ренессанс — бу барча соҳа ва йўналишларда миллий тараққиёт йўлининг навбатдаги босқичидир. Бу концепция ўзига хос “технологик сакраш”ни, юқори даражада ривожланган “smart” иқтисодиётни назарда тутди. Шу-нингдек, у илм-фан, технологиялар, ахборот, ма-даният ва ижтимоий соҳаларда жаҳон ҳамжамияти билан янада фаолроқ, янада кенгроқ интеграцияни тақозо қилади”;

“Ўзбекистондаги Учинчи Ренессанс — фақат Ўз-бекистон халқи учунгина эмас, балки минтақадаги бошқа давлатлар, эҳтимол, янада кенгроқ глобал жараёнлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга”;

“Менинг наздимда, Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбе-кистондаги Учинчи Ренессанс ғояси шунчаки сиёсий режа эмас, балки инсоний қадриятларни, сиёсий барқарорликни ва тараққиётга интилишни устувор мақомга қўядиган Ўзбекистон келажагининг концеп-цияси ҳамдир”;

“Тaqрор бўлса ҳам қайтараман: Ўзбекистондаги Учинчи Ренессанс — бу шунчаки маънавий-сиё-сий ислохотлар ёки иқтисодий жонлианишгина эмас. Бу — ундан ҳам аҳамиятлироқ тарихий ҳодисадир. Бу — асрлар давомида ушбу минтақанинг жавҳари бўлган улугвор маданиятга қайтиш, идеалларни қайта тиклаш жараёнидир”;

“Учинчи Ренессанс ғояси — миллий руҳга, халқ-нинг азалий орзу-умидларига ҳамоҳандир. Зеро, халқ “бир пайтлар тўлиб-тошиб оққан дарё ана тўлиб оқилишни” чин дилдан истади. Ўзбекистон ма-данний ютуқларининг улугворлиги — бевосита эъти-қод масаласи ва фалсафа билан узвий боғлиқдир”.

Покистонлик сиёсатчи ва илмий экспертлар-нинг фикрича, ушбу асар ва унда кўтарилган аини фикр ҳамда талқинлар нафакат Покистонда, балки Европа ва бошқа мамлакатларда ҳам юқори баҳо-ланмоқда. Китобга Покистон Бош вазири Мухаммад Шайхбоз Шариф ҳам сўзбоши ёзиб, унда асарнинг башариёт тамаддуни истиқболини англашдаги ил-мий-мушоҳадавий аҳамиятини алоҳида таъкидла-ган ва бу бежиз эмас.

Президентимизнинг Учинчи Ренессанс ғояси не-гизида Ўзбекистон лидерининг, жумладан: “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳ-кам устуғна таянамиз. Биринчиси — бозор таъмоил-ларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадрият-ларга асосланган кучли маънавият”, деган асосли фикрлари ўз муҷассамини топган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС: ТАРАҚҚИЁТ ҒОЯСИ РЎЁБГА ЧИҚМОҚДА

Янги Ўзбекистонда Ренессанснинг учинчи тўп-қини бўй кўрсатмоқда. Бу ҳақиқатни тйирак нигоҳ билан қўриб-англаб етган муаллиф ўз китобида, ав-вало, халқаро амалиётда жаҳон сиёсий терминологи-ясини янги тушунчалар билан бойитишга қодир давлат ва жамоат арбоблари кам учрашига эъти-борни қаратади.

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” тушунчасини дунё сиёсати луга-тига киритгани беқиёс илмий аҳамиятга эга. Янги Ўзбекистон — бу ибора Миллат Сардори илгари сурган ва бугунги кунда бутун халқимизнинг қаб-ди-дан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айла-ниб бораётган эзгу ғоядир. Бу ғоя замирида:

бир томондан, бугунги ва эртанги авлодлари-мизнинг “Учинчи Ренессанс” пойдеворини қўйишдек эзгу мақсад-муддаолари;

иккинчи томондан, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи Уйғониш даврларига асос солган улуг аждодларимиз, аллома боболаримизнинг орзу-ин-тилишлари ва армонлари;

учинчи томондан, бунёдкорлик, яратувчанлик, ҳар доим ўқиб ва изланишга даъват ўз муҷассам-ини топган.

Янги Ўзбекистон меъморси ва ташаббускори хи-собланувчи Президентимиз қайд этганидек, “Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки тўб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқи-мизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив за-руратдир”.

Ўз навбатида, покистонлик адибнинг фикрича, “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жаҳон сиёсати лугатига “Янги Ўзбекистон” тушунчасининг киритилиши ўзига хос илмий аҳамиятга эгадир. Бу ғоянинг асосида, бир томондан, ҳозирги ва яқин келажақ авлодларнинг Учинчи Ренессансга пойдевор қўйишдек эзгу мақ-сад ва интилишлари, иккинчи томондан, ўзбек халқ-ининг қадим тарихида Биринчи ва Иккинчи Рене-ссанси бошлаб берган буюк мутафаккирларнинг ор-зу-армонлари ҳам муҷассам. Қузатишларимга қўра, Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ғояси мамлакат фуқаролари онгида муста-ҳкам ўрин эгаллаб, умуммиллий ҳаракатга айла-ниб бормоқда”.

Чиндан ҳам шундай. Президентимиз Шавкат Ми-рзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган барча эзгу сатъ-ҳаракатлар самараси си-фатида юзага чиқадиغان Маънавий-маърифий Уй-ғониш халқимиз, жамиятимиз, давлатимиз бунёд этишга қиришган Учинчи Ренессанс учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Янада аниқ қилиб айтганда, ҳар қандай Ренессанснинг муҳим асосини Маънавий-маърифий Уйғониш ташкил этади.

Ақмал САИДОВ,
академик.

ЗИЁЁ МАСКАНЛАРИДА

Ушбу ҳужжат ахборот-кутубхона хиз-матлари кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини яратиш, кутубхоналарда сақланаётган миллий маданий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш, китобхон-ларга хизмат кўрсатишда ахборот-ком-муникация технологияларидан кенг фой-даланишни кўзда тутди. Энг асосийси, бугунги глобаллашув даврида уларнинг “маънавий иммунитет”ни шаклланти-ришга, миллий қадриятларимиз ва аңьа-наларимизга асосланган мустаҳкам пой-деворда туриш имконини беради.

Марказимизга шу кунгача 32 мингга яқин китобхонлар ID-карта орқали аъзо бўлишган. Улар марказнинг “Web-sahifa”, “Facebook”, “Instagram”, “Youtube”, “Telegram” каналлари орқали марказда йилнинг муҳим саналарга, юбилейларга бағишлаб ўтказилган турли мавзўлардаги маданий-маърифий тадбирлар, яъни кел-ган адабиётлар билан танишиб бормоқда-лар. Илгидан-илгига китобхонлар сони ҳам ошмоқда.

Улар умумий ўқув зали, ёшлар, ҳуқуқий ахборот, она ва бола, илмий ҳодимлар, ўл-жаҳнослик музейи, жаҳон адабиётлари зали, электрон ўқув зали, фойдаланувчи-ларга хизмат кўрсатиш, анжуманлар ўт-казиш залларидан фойдаланиб келмоқ-далар. Кекса ва ногиронлиги бор фой-даланувчилар учун ҳам марказда барча қўлайликлар яратилган. Жумладан, улар учун пандус ва лифт ишлаб турибди. Ёш-лар ўқув залида махсус брайл алфбисо-даги адабиётлар, “Бир сафда” журнали ва бошқа ахборот ҳужжатларидан иборат бурчак ташкил қилинган.

Маҳмуд Замахшарий номидаги ви-лоят ахборот-кутубхона марказининг “Ўз-бек-Туркман дўстлик уйи” бўлимида “Ўз-бек-туркман — дўсту биродар” мавзусида китоб-расмли кўргазма ташкил қилинди. Туркман ҳамда ўзбек тилидаги адабиёт-лар жой олган кўргазма китобхоналарда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шу йилнинг октябрь ойда Ўзбекис-тонда Туркманистон маданияти кунлари доирасида Туркманистондан ташриф бу-юрган делегация Улли ҳовли билан ҳам-корликда Ўзбек-Туркман дўстлик уйи бўли-мида кутиб олинди.

Бўлимиимиз мутахассислари томонидан

КИТОБ — БИЛИМ ХАЗИНАСИ

2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга оширилаётган давлат дастурлари ижроси юзасидан Маҳмуд Замахшарий номидаги Хоразм вилояти ахборот-кутубхона маркази томонидан ҳам “Китобсевар миллат” ғоясини ҳаётга татбиқ қилиш бўйича қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда китоб ва китобхонликка бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигига гувоҳиқ. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори бу борада олиб борилаётган изчил ишларимиз учун дастуриямал бўлиб хизмат қилимоқда.

маҳаллалардаги имконияти чекланган фу-қароларнинг хонадонларига бориб, улар-нинг талаблари бўйича китобларни етқа-зиб бермоқдалар. Хоразм-Тошхувуз че-гарасидаги жаҳон бозорининг очилиши, у ерга ташриф буюрган делегациялар фа-олияти ижтимоий тармоқларда кенг ёритил-моқда.

Ахборот-ҳужжатлар фондимиз 637052 нусхани ташкил қилади. У доимий ра-вишда янги адабиётлар билан тўлдириб келинмоқда. Йил бошидан буюн шу кун-гача 366 миллион сўмдан зиёд маблагга янги адабиётлар сотиб олинди.

2026 йил учун 180 миллион 690 минг сўмлик мабтўот нашрларига обунани таш-кил қилиш ишлари олиб борилмоқда. Урганч шаҳридаги маҳаллалар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, хонадон-ларга ташриф буюриб, ҳар 15 кунда улар-нинг сўровлари асосида янги адабиётлар билан таъминлаш ҳамда библиография хизмати кўрсатиш яхши йўлга қўйилган.

Урганч шаҳар марказий кўчаларида аҳоли ўртасида “Китоби жонлантирамиз”, “Китоб — менинг дўстимсан”, “Меҳр кутуб-хонаси”, “Севимли ёзувчим билан учра-шув”, “Миллий ўқиш ҳафталиги”, “Қўқ жо-мадон” лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолини ахборот-кутубхона хизматлари билан қамраб олиш учун шаҳар ва туман ахборот-кутубхона марказларининг 50 дан

зиёд кўчма кутубхоналари ташкил қилин-ган. Жумладан, Хива туманидаги “Истиқ-лол”, Урганч туманидаги “Хилол”, Хонқа туманидаги “Пахтакор”, “Дурвадик” ҳамда “Гулистон”, Шовот туманидаги “Оқ қўл”, Янгиариқ туманидаги “Савган”, “Ширшоли” маҳаллаларида очилган кўчма кутубхона-лар аҳолига кутубхона хизмати кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, вилоятимизда шахсий кутубхоналар сони ҳам ошиб бормоқ-да: 4 нафар фуқаро уй шариоитда шахсий кутубхона ташкил қилган. Жумла-дан, Урганч шаҳридан Хуржоний Бекниё-зова 850 нусха, Хива шаҳридан Николаи Аллаберганов 5600 нусха, Ҳазорасп ту-манидан Музаффар Аҳмедов 2012 нусха, Янгибозор туманидан Иқром Бабажанов 3100 нусха китоб фондига эга.

Урганч шаҳрида тадбиркор Қувондик Абдуллаев “Билим ҳазинаси”, “Устоз” ёш-лар кутубхоналарини ташкил қилган. Ушбу кутубхоналардан, асосан, вилоятимиз ёш-лари кенг фойдаланмоқдалар. Кутубхона-лар интернетга уланган, китоб савдоси, “book-safe” хизмати кўрсатишмоқда. 200 мингдан зиёд китоб фондларига эга.

Гёте институтининг Тошкент филиали билан ҳамкорлигимизни 2014 йилда бош-лаган эдик. Шу йили немис халқининг бе-баҳо дурдонаси саналмиш “Эртаклар олами: Ака-ука Гриммлар”, “Математикани ҳис қил!” мавзусидаги интерактив бадий

кўргазмалар ташкил қилинди. Гёте инсти-тутининг Тошкент филиали билан ҳамкор-лигимиз ҳозир ҳам давом этмоқда. Неме-лигиз оид адабиётлар ва газета-журнал-лардан иборат ўқув зали ташкил қилинган. Немис тилига қизикувчи китобхонларимиз ушбу залдан фойдаланиб келмоқдалар.

Утган йили марказимиз фаолиятида алоҳида эътибор молиқ воқеа содир бўлди. Буни халқаро ҳамкорлик бўйича қўйган навбатдаги катта қадимимиз си-фатида баҳолаш мумкин. Гап шундаки, Маҳмуд Замахшарий номидаги Хоразм вилояти ахборот-кутубхона маркази ва В.В.Маяковский номидаги Санкт-Пете-рбург шаҳар халқ марказий кутубхонаси ўр-тасида ҳамкорлик шартномаси тузилди.

Вилоятдаги олий ўқув юртларида фао-лият олиб бораётган олимларнинг илмий ишлари ҳам вилоят ахборот-кутубхона марказимизда махсус базада тўлланиб бо-рилмоқда.

Ахборот-кутубхона муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш мақ-садида Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот-технологиялари универ-ситети Урганч филиали ҳамда Маҳмуд Замахшарий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ўртасида 2024 йилда ахборот-кутубхона фаолияти йўналиши бўйича сиртки бўлим кафедрасини ташкил қилиш борасида шартнома имзоланди.

Ҳозирда Абу Райҳон Беруний номи-



кар”, “Болжон” номли китобларининг тақ-димот-муҳокамалари нияҳтада жонли тарзда ўтди. Асар бўйича роликлар, жонли сахна кўринишлари тайёрланди. Муҳока-маларда ўқувчилар, зиёлилар, олимлар ва энг муҳими, кутубхона ҳодимларининг иш-тироки тадбирларга ўзгача руҳ бағишлаб, асарнинг ўқувчилар қалбига чуқурроқ етиб боришини таъминлади.

Мамлакатимизда китобхонликни янги босқичга олиб чиқиш, соҳа ҳодимлари-нинг билим ва малакаларини қўриқдан ўт-казишда Алишер Навоий номидаги Ўзбе-кистон Миллий кутубхонаси томонидан ўт-казиб келинаётган аънаваный “INFOLIB O‘ZBEKISTON” Миллий ахборот-ку-тубхона ҳафталиклари муҳим аҳамият қасб этмоқда.

“INFOLIB O‘ZBEKISTON-2025” XIV Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бу йил 10-14 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ташкил этилди. Унда Маҳмуд Замахшарий номидаги Хоразм вилояти ахборот-кутубхона мутахассис

Шароф Рашидов номидаги САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

**мамлакатимиз халқини яқинлашиб келаётган
Янги йил билан самимий муборакбод этади!**

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган бекиёс ўзгаришлар, ислохотлар самарасидан барча ватандошларимиз баҳраманд бўлмокда. Илм-фан, маърифат ва маънавият, яратувчилик, бунёдкорлик қўллаб-қувватланаётган юртда юксалиш ва барқарорлик юз кўрсатади. Ишончимиз комил, она диёримизда янги 2026 йил янада фаровонлик, ривожланиш даври бўлади. Не бахтки, Ватанимизда ёшларнинг таълим олиши учун кенг имконият ва шароитлар яратиш стратегик вазифа сифатида белгиланган. Зеро, аҳолини олий таълим билан қамраб олишнинг юқори кўрсаткичи мамлакат тараққиётини кафолатловчи муҳим омилдир.

Азиз ватандошлар, қадрли ёшлар! Остонамизда эшик қоқиб турган Янги йил барчамизга муборак бўлсин! Бахт ва омад, тинчлик ва хотиржамлик, муваффақиятлар йили бўлсин!



✓ ДИЛ СЎЗЛАРИ

АҲЛИ МАЪНИ АЛЛОМАСИ

Биласиз, талаба қавми ниҳоятда зийрак келади. Айниқса, домлаларнинг феъли-хўйи билан боғлиқ маълумотларни тўплаб юриш ҳаёт-мамонт масаласи. Қай бири қаттиққўл, осонликча “заҳут” қўймайди, қайси бирини ўнгу сўлидан ўтиб, ялиниб-ёлвориб довондан ошиб олса бўлади...

Талаба кезларимиз, адашмасам, 1999 йил эди, биз ўқийдиган Миллий университетнинг ўзбек филологияси факультетида гап тарқалди – янги домла келган эмиш! Ўзбек адабиётининг катта билимдони, аллома Беғали Қосимов Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти деган кафедра очган эди, янги домламиз шу кафедрага келган экан. Дарров суриштирув-излаштирув ишларини бошлаб юбордик: қаерлик, қаердан келган, билгир домлами ё “ўзимиз қатори”, қаттиқфеълми ё “уч”ни садақа қиладиган ҳотамтой ва ҳоказо. “Илмий тадқиқот”ларимиз охирига етиб-етмай, янги домланинг ўзлари кўрниш берди. Алломи келбатли, овози момагулдуракдай!

Хуллас, бундан чорак аср аввал бугунги профессор Нурбой Жаббор билан танишувимиз шундай кечган. Илк учрашувдаёқ домланинг ўзбек адабиётининг ҳамма даврлари ва босқичларининг билгири; фольклордан дастлабки ёзма адабиётгача, мумтоз адабиётдан ҳозирги адабий жараёнгача, аруздан тортиб адабиёт назариясигача – ҳаммасининг билимдони экани маълум бўлди. Айниқса, биз, талабалар учун “тошёнгоқ” бўлган Навоий ва аруз илмини билиши, умуман, филологиянинг барча йўналишлари закийси экани бизни кўп уйга толдиргани рост. Ахир инсоф билан айтиш, шундай домлани талаба яхши кўриб қолиши, ўзига дўст деб билиши мумкинми? Ҳечам-да! Бундай домлалар талабанинг офати, “арра”си деярлик. Масалан, домла даб-дурустдан сўраб қолсаларки: “рамали мусаммани максур” ёки “мутақорили мусаммани маҳзур” ҳақида айтиш-чи?” деб. Шунда нима бўлишини биласизми?

Бундай домлаларнинг ҳақиқий баҳоси кейинроқ, масалан, диплом кўлга теккан, тан олинади. Ҳатто катта-кичик давраларда аканг қарағай мана шу домланинг шогирди бўлган, қўлида таҳсил кўрган, деб кўрак керилади. Лекин талабалар пайтида бундай дейиш учун камида ана шу домланинг ўзидай толиби илм бўлиш керак-да!

Нурбой домла мансуб бўлган кафедрада Беғали Қосимов раҳбарлигида Шариф Юсупов, Улуғбек Долимов, Суннатилла Аҳмедов, Шухрат Ризаев, Узоқ Жўракулов каби олимлар фаолият юритарди. Бу соҳага зигирдай алоқаси бор мардум борки, бу домлаларимизнинг ўзбек илм-фанига, маънавий-маърифий дунёсига қанчалик ҳисса қўшганларини билади, эътироф этади.

Профессор Шариф Юсупов маърифат-парварлик даври тарихи ва адабиётининг билимдони, Фурқат ижоди билан кўп ва ҳўп шуғулланган аллома эди. Нурбой Жаббор домланинг илмий изланишлари ҳам Фурқатшуносликка оид. Бу соҳада катта мутахассис бўлган Шариф Юсупов ёш тадқиқотчининг истеъдоди ва меҳнатига рағбат бериб: “Энди мавлоно Фурқатни Нурбой домлага бермасак бўлмайди”, деган путфларига гувоҳ бўлганман. Бу эътироф ёш олимга шунчаки далда, бугунги кун таъбири билан айтганда, мотивация бериш эмас, унинг серзаҳмат меҳнатига таҳсин ҳам эди.



Чунки Нурбой Жабборов 1994 йилда ҳимоя қилган номзодлик диссертациясида Фурқатшуносликда шу вақтгача ҳеч ким журъат қилмаган ишга қўл урганини катта устозимиз яхши билардилар. Гап шундаки, Фурқат асарларини тўплаб нашр қилиш, дарсликларга киритиш, унинг таржимаи ҳолини яратиш, у яшаган давр билан боғлиқ тадқиқотлар маълум маънода амалга оширил-

кин-да. Буларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқиш, фарқли жиҳатларини аниқлаш, об-разли қилиб айтганда, “уч юз Кўхи Қофни келида туймоқ”дай гап. Боз устига, бу манбаларнинг бари эски ўзбек ёзуви – араб имлосида эканини ҳисобга олсангиз, масаланинг янада чигаллигини англайсиз.

Шу даврга ошўфталлими ёки кафедра домлаларига хавасданми, диплом ишмини маърифатпарварлик ва унинг давоми бўл-

ган жадидчилик даври адабиётини ўзаро қиёслаш мавзусидан олдим. Диплом раҳбари этиб профессор Шариф Юсупов белгиланди. Домла мавзуга алоқадор адабиётлар рўйхати – библиографияни қилиб берди, йўл-йўриқ кўрсатди. Шу асосда иш бошлаб турган эдим, домла бетоб бўлиб, университетга келолмай қолди. Яна бироз ўтиб, домла ишни давом эттиролмаслиги маълум бўлган, кафедра мудири, профессор Беғали Қосимов (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин) чакиртирди, вазиятни тушунтирди ва энди диплом раҳбари сифатида Нурбой Жабборов менга ёрдам беришини тайинлади. Шу кундан бошлаб

то хануз Нурбой домла менинг ҳар жиҳатдан раҳбарим, раҳнамоим бўлди. Диплом кўлга теккан, ризк териш илжини билан бошқа соҳалар этагини тутиб кетдим. Афсуски, илм йўлида собит қолиб, домланинг муносиб шогирдлари сафида бўлолмадим. Лекин устоз Нурбой Жаббор мен каби “палағда” шогирдларига ҳам эътиборини заррача сусайтирган эмас. Нездир сабаб билан кўришиб қолсак, устоз ҳамон меҳрибонлик билан панд-насихатларини аямайди. Илм-ку йўқ, ишдаги арзимас

муваффақиятлардан ўзимдан кўра кўпроқ суюниб юради.

Диплом ҳимояси кунни мендан аввал Аланга исмли курсдошим маъруза қилди. Илмий салоҳияти меникидан пешроқ, иши ҳам яхши ёзилган бўлса-да, нутқи равон эмасди. Каминаники тескариси, иш ўрта-миёна бўлса ҳам, тил бир қарич эмасми, бироз кўпиртирган бўлсам керак, ҳимояга таклиф этилган ташқи тақризчилардан бири: “Аслида унисси эмас, буниси Аланга экан”, дея мақтаган. Домла чорак аср наридаги шу гапни ҳозиргача ҳар даврада гурур билан гапириб юради.

Айрим олим ва ижодкорларнинг соҳада забт этган чўққилари билан ҳаётда ёхуд оиласидаги ютқиқчилари ўртасидаги тафовутдан ажабсиниб қўямиз. “Э, аттанг, шундай одамни-я...” деган таассуфлар бўлади. Бу борада ҳам домланинг пешонаси беш қарич. У кишининг илми-ю аъломиди биз шогирдлар доим хавасланиб юрамиз. Ёши юздан ўтиб қайтиш қилган Абдуҳаким бобонинг зурриётлари ичида аҳли илмлари кўп. Ҳатто келинлар, неваралар ва бошқа узоқ-яқин ақрабодлардан ҳам турли фанлар олимлари етишиб чиққан. Бу анъана бардавом бўлиб, кейинги авлод вакиллари ҳам илм осмонига учирмага шай туришибди. “Олманинг тағига олма тушади”, дегани шу бўлса керак-да!

Яқинда газетада бир мухтарам домла-мизнинг олим шогирдлари юбилей санаси муносабати билан ёзилган табрикномасида бир давра мумтоз адабиёт муҳиблари шогирднинг шогирдлигига ишонқирамай, асли у киши устоз бўлса керак, дегани-ю, шунча ишни амалга оширган олимнинг энди “бор-йўғи” олтимишга киргани ажаблантирганини эслабдилар. У киши ҳақида мендан бошқалар ҳам шундай уйлаганига таажжубланиб қўйган эдим. Шунда инсон умри яшаган йиллари билан эмас, қилган ишлари билан ўлчаниши ҳақидаги гаплар ҳақиқатлиги кўнгилдан ўтади. Бугун айни ҳикматнинг амалий тасдиғини яна бир қарра юракдан туйиб турибман.

Профессор Нурбой Жабборов ҳаётда ва илмда эришган муваффақиятлар салмоғи шу қадар чўнги, олтимишга киргани иштибоҳга солади кишини. Ўнлаб олимга устозлик, юзлаб талабага мураббийлик, улкан даврни қамрайдиган кафедрага мудирилик, бир намунали оилга раҳбарлик, Абдуҳаким бободан сўнг олимлар етишиб чиқаётган катта сулолага бошчилик, хуллас, санайверса, адо бўлмайдиган ютуқлар. Ишқилиб, кўз тегмасин! Газета-журналларни варақласангиз, Нурбой домланинг ҳикматга йўрилган битиклари, телевизорни ёқсангиз, кунқунора аллоқмат Нурбой Жабборнинг нури қиёфаси, радио мурватини бурасангиз, қайсидир каналда домланинг маърифат тараётган салмоқдор овози, ўнлаб китоб-монографиялар, маҳаллий ва хорижий илмий анжуманлардаги маърузалар...

Бу фаолиятларнинг ҳаммасини бирлаштирувчи омил бор, бу – ҳақиқий ОЛИМнинг халққа чин дилдан хизмат қилиш, тамаддун яратиб дунёни ҳайратга солган бу кўхна миллатнинг бугунги насллари қаддини кўкка қадар юксалтиришдек олийжаноб мақсад, эзгу мудоаларидир.

Бу йўлда устозимизга Худонинг ўзи ёр бўлсин, баракали умр, илмий-ижодий баркамоллик насиб этсин. Табарруқ ёш, кутлуг сана муборак бўлсин, дейман.

Икромжон ЧОРИЕВ,
“Маҳалла” телерадиоканали
директори.



1-6

Ҳар йили ўндан ортиқ газета-журналларга – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”), “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Ёшлар овози”), “Шарқ юлдузи”, “Фан ва турмуш”, “Саодат” дейсизми, барига обуна бўлардим... Абонементларни қўлга олгандан кейин эса янги йилни орқиқиб кутардим, 1 январь кунёқ бир тал газетга олиб келишарди. Байрам сони бўлгани учун алоҳида безалган, материаллари ҳам одатдагидан қизиқarli бўларди...

ГАЗЕТА КЕРАКМИ?
АЛБАТТА!

Айтишингиз мумкин, у пайтларда газета-журналлар арзимаган пул, тийинлар турарди-да, деб. Тўғри, арзон эди, лекин ойлик маошларимиз ҳам кўп эмасди, шунчаки ўзимиз қаноатли, ҳоё хавасга кўп ҳам берилмаган бўл-сак керак-да, қарашларимиз бошқача эди. Ўқишга ўзимизда эҳтиёж сезардик. Масалан, оддий автобус ҳайдовчиси ҳам йўналишдан келиб дам олаётган вақтида газетга ўқиб ўтирарди, тақсичининг ҳам ёнида эрталабдан сотиб олган бир даста газета бўларди.

Матбуот дўкончаларини-ку, асти қўяверасиз. Ҳақиқий зие маскани эди. Кўпроқ ёши улуглар ишлар, қайси газетда қандай қизиқ материал чиққанигача айтиб, сизни янада қизиктиришарди. Лекин айримларнинг ўзларига яраша қибру хаволари ҳам бор эди. Харидордир газеталар пештахта остидан танишларга сотиларди. Масалан, “Футбол-хоккей”, кейинроқ ўзимизнинг “Hurriyat”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталари ҳам ана шундай нашрлардан бўлиб қолганди.

Энди у замонлар ўтиб, у дарахтлар кесилиб кетди. Ҳаммамиз бот-бот тақроқлайдиган интернет асри ҳукмрон. Мен ўтмишни кўмсаб яшамайман, лекин яхши анъаналарни бугун ҳам татбиқ қилса бўлади-ку. Интернет минг ҳукмрон бўлсин, лекин у газета ўрнини босолмайди. Газетанинг ўз ўрни бор, унда ҳақиқий фидойилар ишлайди. Таъбир жоиз бўлса, газетачи меҳнатини заргар ишига қиёс этаман. Ҳар иккиси ҳам катта эътибор, билим, сабр-матонат талаб этадиган машаққатли иш. Бежиз газетда тобланган журналист бошқа ҳар қандай ОАВда бемалол ишлаб кетади, деб айтишмайди.

Мен ҳозир газета-журналлар, тахриратлардаги муаммолар ҳақида тўхталмоқчи эмасман, уларни ҳамма билади ва тушуниб турибди. Газеталар тарғиботи, уларни янада оммалаштириш, муштарийларни қайтариш учун ҳам тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилса ва амалга оширилса, хайрли иш бўларди. Бу фақат жамият тараққиётига, халқимиз маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қиларди, деб уйлайман. Тўғри, қарс икки қўлдан чиқади, газеталар ва уларнинг муассислари ҳам бу борада қўлдан келганча ҳаракат қилишлари лозим. Лекин бу борада телевидениеда “Газеталар шарҳи”ни бериш билангина қиёфояланиб қолмаслик керак.

Келахак XXII, XXIII асрлар ҳақида бир нима дея олмайман, бироқ ҳозирги асримизда газетанинг ўз ўрни бор, унга эҳтиёж бор. Бунини билиш ва тушуниш учун вақти-вақти билан газета саҳифаларига нигоҳ ташлаб туришининг ўзи қифоя.


Мавжуда ЮЛДАШЕВА.

Муаллифнинг “Facebook” дағи саҳифасидан олинди.

✓ ЯНГИ НАШРЛАР

Номоддий маданий мерос — халқимизнинг асрлар синовидан ўтиб, сайқалланиб, жиловланиб келган асл бойлигидир. У асрлар давомида доно халқимиз томонидан бойитилган ва кўз қорачигидек асраб-авайланиб, бизгача етиб келган. Биз ўзлгимизни, тарихимизни боболардан мерос қолган бебаҳо қадриятимиз, моддий ва номоддий маданий меросимиз орқали англаймиз.

Сўнгги йилларда соҳага олий даражада эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентиимизнинг 2023 йил 25 декабрдаги қарори айни шу соҳа тараққиётига бағишланган. Ўзбекистон Республикасида номоддий маданий меросни асраб-авайлаш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантириш, унинг сақловчиларини рағбатлантириш ва шу каби бир қатор мақсадларда Маданият вазирлиги ҳузурида Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Институт ҳали ёш бўлишига қарамасдан, салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Институт олимлари томонидан 2025 йилнинг ўтган даври мобайнида юздан зиёд турли мавзудаги дарсликлар, монографиялар, ўқув қўлланмалари ва мақолалар нашр этилди. Қуйида шу илмий ишлардан айримлари ҳақида қисқача маълумот берилади.



томошаларнинг илмий-назарий асослари тадқиқ ва таҳқиқ этилади ва шу билан бирга фольклор-этнографик томошаларнинг шаклланиши, тараққиёт


босқичлари, ривожланиш хусусиятлари ва келажақ истиқболларига оид масалалар қаламга олинган. Фольклор санъатини профессионал даражага кўтаришда режиссуранинг ўзига хос аҳамияти, ўзбек фольклор-этнографик томошалар орқали урф-одат, анъана, миллий қадриятларнинг локал хусусиятларига кўра намоён бўлиш даражаси, фольклор-этнографик томошалар режиссурасининг анъанавий ва замонавий тенденциялари таҳлил этилган.

Фольклор санъатидаги импровизация саҳнавий ва ижровий имкониятларни кенгайтиришига кўра томошабинни иштирокчига айлантирувчи интерактив хусусият эканлиги далилланган, анъанавий театр томошаларида корфармонлар ижодидаги бадиҳагўйлик, тақлид, муқаллид, масхарабоз ва қизикчилик кабилар миллий фольклор-этнографик томошалар режиссураси генезиси ва ривожига бадий синкретизм ва шартлиликка кўра фундаментал манба эканлиги кўрсатиб берилган. Монография асосан фольклоршунос, санъатшунос, этнолог, социолог, тарихчи ҳамда маданиятшунос мутахассисларга мўлжалланган. Шунингдек, китобдан мав-

зуга қизиқувчи кенг китобхонлар омма-маси фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошидаги Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти ЮНЕСКО билан ишлаш бўлими мудири Азиз Матякубовнинг “Ўзбек бадийи киносида Иккинчи жаҳон уруши” монографияси эълон қилинди.

Ушбу монографияда ўзбек ба-



дий кинеси тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган, миллий кинонинг жанр диапозонини кенгайтиришга бевоисита хизмат қилган Иккинчи жаҳон уруши мавзусида яратилган бадийий фильмлар таҳлил этилган. Совет даври ва мустақиллик йилларида маъзури йўналишда суратга олинган фильмларнинг бадийи-ғоявий хусусиятлари турли аспектларда кўриб чиқилган. Шу билан бирга, кино санъатида уруш мавзусининг юзага келиш ва ривожланиш тенденциялари, мавзу доирасида олиб борилган хориж тадқиқотлари атрофлича ўрганилган. Монография “Pages print” нашриётида оз нусхада чоп этилди. Китоб кино мутахассислари, адабиётшунослар, филологлар ва соҳага қизиқувчи кенг оммага мўлжалланган.

Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти Маданиятшунослик бўлими мудири Саодат Назарованинг “Ўзбек саҳна санъати тарихида трансформацион жараёнлар (1920-1930)” номли монографиясида Ўзбекистон маданияти тарихида 1920–1930 йилларда совет ҳокимиятининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга оширган сиёсати ўзбек миллий саҳна



санъатига таъсири орқали очиб берилган. Унда замонавий кўринишдаги ўзбек саҳнаси совет ҳокимияти ўрнатилишидан аввалроқ ташкил этилган, унинг илдишлари қадимга бориб тақалиши, асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келгани кўрсатиб берилган.

Мазкур монография архив ҳужжатлари, мемуарлар, даврий матбуот материаллари каби турли манбалар асосида ёзилган бўлиб, тарихчилар, санъатшунослар ҳамда маданият тарихига қизиққан кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

Ориф ХОЖИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирлиги ҳузуридаги
Маданиятшунослик ва номоддий
маданий мерос илмий-тадқиқот
институти
тахририй-ноширлик бўлими мудири.



БОШИГА ОСМОН ҚУЛАГАН ШАҲАР

Урушнинг илк куни Брест қалъасида қаҳрамонларча ҳалок бўлган жаззяхлик
Авазмат Ниёзматов ва бошқа ўзбек ўғлонлари жасорати хусусида



— Майда пулингиз йўқмиди? — дейди со-
тувчи жувон.

Мен унинг табассум ёйилган тип-тиниқ чех-
раси, порлаб-кулган мовий нигоҳида акс этган
қизиқиш ҳиссини лаҳзада англайман. Хаёлим-
дан ўтгани шу бўлади: “Келгинди эканимни
пайқаб турибди...”

Чўнтагимдан бир сиқим чақа олиб, шалдира-
тиб ақчасогага ташлайман:

— Истаганингизча олаверинг. Мен сизларнинг
танга-тунгаларингизнинг унчалик фарқига бор-
майман.

Жувон ўз юртининг кадр-қиммати бўлган ақ-
чаларни бармоқларини қўш тумшук қилиб гурур
билан тера бошлайди, керагини олади-да, қолга-
нини қайтариб беради:

— Қаердан келдингиз? — деди жилмайиб.
— Ўзбекистондан.
— Ўххў, узоқ...

— Ҳа, узоқ. Анчагина узоқ, — бу ерларда нега
сандирақлаб юрибдйкин деган уйга бормасин,
деб муддаомини айтдим-қўйдим. — Боболаримни
излаб келдим.

Аёл бироз ажабсинади, гапини яхши англолма-
диммикан, деган маънода қараб туради:

— Улар бу ерда яшашадими?
— Улар бу ерда жанг қилишган. Улар шу ерда
қолиб кетишган, шу тупроқда ётишибди.

Аёлнинг юзи жиддий тортади, овозида титроқ:
— Шундай денг, — оғир хўрсинди, — улар биз-
нинг ҳам боболаримиз. Беларусни химоя қилган
ҳар бир инсон беларусларнинг жигаридир, бела-
руста бегона эмас.

— Раҳмат сизга. Бундай зўр жавобни кутмаган
эдим.

— Нима деялсиз? Урушда бўлган бобонгиз
ҳар қайси беларуснинг юрагида, уйининг тўрида
яшайди.

— Раҳмат сизга, — дедим овозим қалтираб, юз
томирларим титраб кетди, — мен боболаримни
шу ернинг ўзида ҳам топгандай бўлдим.

Аёл қилмайдми:
— Ростданми?
— Мен уларни сизнинг юрагингиздан топан-
дай бўлдим.

Дунёда ҳарор энг катта дўкнларни нима деб
аташяпти, супермн, гипермн, мегами ё сегоми,
ишқилиб, энг каттасини қанақа маркет деб аташса,
ўшанақа маркетдан жудаям хурсанд бўлиб чиқ-
дим. Баҳорнинг тип-тиниқ оғушида янада мўъжи-
зақор туйилган шаҳарнинг тасмадай текис ва ойна-
дай тоза қўчалари, энг сўнгги расм-русумда қад
қўтарган евроноқсли бинолар, сокин ва озода хаёт
мени тагин ўзига қаттиқроқ мафтун этди.

Шаҳар дегани бунчалар гўзал, чиннидай топпо-
тоза бўлмаса!

Осмонга қоқиб, янада ҳайратинг тошади, бу
ерларнинг осмони паст бўлмагани билан булут-
лари жуда-жуда пастлаб сузаркан, шундоқ кўриб
турасан булутларнинг бошинг устида шовуллаб
сузиб бораётганини... Қўл чўсанг етгудай гўёки.
Булутлар тўда-тўда, паға-паға, оппоқ-оппоқ бў-
либ, қуюн-қуюн шаклида тимқора тусда ҳам су-
зиб-сузиб ўтаверади.

Бирпасда осмон чиппа бекилади, ёмғир қуяди.
Бирмунча фурсат ўтиб, булутлар тир тўзғийди-да,
осмон бағир очади, тўда-тўда, оппоқ-оппоқ, уюм-
юм қўнғир-қора тусдаги булутлар сайри нигоҳ-
ингизини тортади. Ҳавонинг софлигини айтмай-
сизми? Ўпкангиз тўлади. Болтиқ томонлардан
эсаётган дил яйрар эпкинлар борлигингизга роҳат-
фароғат бахш этади.

Бунчалар шиам ва саришта шаҳарни кўрма-
ганман, рости. Нима бало, бу ерда одамлар писта
чақмайдими, елим идишдан сув ичишмайдими,
тиллақозоларга уралган музқаймоқ ейишмай-
дими, тамаки чекишмайдимикан-а? Ўзимча жавоб
топган бўламан: бу ернинг одамлари кечаги мунд-
ҳиш кунни, тарихини унуттишмаган. Қиёмат қойим
қилиб вайрончага айланган, сўнгра қуйиб қўптепа
бўлган харобада шаҳар қурган, шаҳар пайдо қил-
ган халқ бу. Шунинг учун ҳам булар ўз шаҳрини
қўз қорачигидай асрайди. Европанинг нақ би-
кинида яқрираб, гуллаб-ашнаб турган озода шаҳар
— Брест ва брестликлар менда шундай таассурот
уйғотади.

Меҳмонхонага келиб шеригим, Беларусдаги
Ўзбекистон элчихонаси адабий маслаҳатчиси,
марҳум акаамиз Донёёр ака Обидов (Худо раҳмат
қилсин!)га ҳайратимни яширолмамдм, айниқса, дў-
кондаги аёлнинг гапидан таъсирланганимни.

— Чиндан ҳам шундай. Булар уруш кўрган
халқ. Ҳар учта беларусдан биттиси уруш қурбони
бўлган. Шунинг учун ҳам беларуслар урушда бўл-
ган инсонлар ёдини бениҳоя улуғлашади. Халиги
ўртоғимиз бор-ю, Алесь Карликович, ўшанинг бир
гапи мени қаттиқ ҳаяжонга солган, — деди у.

— Ёзувчини айтаясизми?
— Ҳа, ўша. Бошқалари ҳам шундай дейишар-
кан биз ўзбеклар ҳақимизда.

— Нима гап айтишаркан?
— Ўзбеклар Шарқнинг беларусларидир. Бела-
руслар эса Европанинг ўзбекларидир... Ана шун-
дай, оғайни!

Мен титраб кетдим! Юрагим бир ҳаприқади.
Бунча зўр гап!

— Э-е-ей, булар бизни шунча-шунчалар яқин
олишадими?

— Ҳа, ўзбеклар бизга ўхшайди, бир гапли,
мард дейишайди.

— Беларусда уруш йиллари жуда кўп ўзбек ўғ-
лонларининг қони тўкилган. Шунинг учун ҳам...

— Уруш бошланганда, урушнинг биринчи куни,
илк лаҳзасидеъ Брест қалъаси мудофеасига ўз-
беклар ҳам отилиб чиқшадн. Урушнинг даст-
лабки кунлари шу ерда кўп ўзбеклар қиррилиб
кетган. Уруш бошланиши ҳеч кимнинг хаёлига
келмаган. Улар Ўзбекистондан ҳарбий хизматга
чақирилган эдилар...

— Аҳ-ҳа, йўлда келаётганимизда бу ерга Ўз-

бекистондан битта дивизия ҳам химояга келган
дегандингиз. Чиндан ҳам сиз бутун бошли дивиз-
ия ҳақида гапирдингизми? Мен, очиги, бу ҳақда
эшитмаган эдим. На тарихда, на китоб-питобда...

— Ҳа, Тошкентда, аникроғи, Чирчиқда ташкил
этилган бутун бошли 69-ўқчи дивизия шу ерга,
Беларусь фронтига олиб келинади. Ушбу дивиз-
ия жангчилари мислсиз қаҳрамонлиқлар кўрса-
тишайди.

— Ўзбек ўқчи дивизияси ҳақида Иккинчи жаҳон
уруши тарихида, умуман, Беларуснинг уруш йил-
лари тарихида бирор маълумот борми?

— Кейинчалик, бирмунча фурсат ўтгач, бу қаҳ-
рамон дивизиянинг номи ўзгартирилади. Дивиз-
ия Брянск ва Севск шаҳарларини озод қилишда
мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, Беларусни фа-
шизмдан тозалашда ҳал қилувчи роль ўйнади.

— Шунинг учун дивизиянинг номи ўзгардими?
— дедим алам билан, кўз ўнгимда минг-минглаб
жангчи юртдошларимнинг қиёфаси гавдалана
бошлади. Қанчадан-қанча ўзбекларим қурбон
бўлдийкин?

КИТОБ ВА КИНОГА СИҒМАГАН ОҒРИҚ

Биласизми, урушнинг даҳшатли бир ҳақиқати
бор. Китоб саҳифалари, кино экранларига сиг-
майди... Уруш бўлиб ўтган жойда қолиб кетган
урушнинг оғриғи. Шу оғриқ изтироби ҳамма-ҳамма
нарсасига уриб кетади. Неча-неча йиллар, асрлар
кечмасин, бағри қуйиб кул бўлган замин ихраб-
инграб, чатнаб-титраб ётганга ўхшайди. Ишонма-
сангиз, минг-минг йиллар илгари содир бўлган, та-
рих кўксини тилча-пора қилиб турган улкан жанг
майдонларига ҳам бир бориб кўринг-да, англайс-
сиз, урушнинг қиёматли лаҳзалари вужудингизга
титроқ, қалбингизга гулу солади.

“Титаник” фильмининг чўмилиш ҳавзасида тас-
вирга олиш укувиға эга XXl аср кимо санъатининг
енг сўнгги русумдаги камералари нигоҳи англамай-
диган бу ҳақиқатни, яъни урушдан кейин қолиб кет-
ган оғриқ изтиробини ҳеч нарса, ҳатто қалам ҳам
ҳис қилолмайди. Инсоннинг қалб кўзигина аниқроқ
кўра олади бунн. Иккинчи жаҳон урушининг даст-
лабки кунидеъқ қақшатиқ зарба еб, бошига ос-
мон ўпирилиб тушган Брест қалъаси ҳақида ҳам
кўп китоблар, эсдаликлар ўқиган, бадийи ва ҳуж-
жатли фильмлар кўргандим. Бу ерга тайёргарлик
қўриб келгандим. Европанинг фожиа ўчоғи санал-
ган қалъага ўзимни бардам тутиб киришимчи ҳам
ишонгандим. Қаёқда дейсиз, шундоқ Буг дарёси ус-
тига ўрнатилган кўприқдан ҳатлаб, қалъанинг кўн
чиқишдаги туннель эшитига юзланшимчи ҳамоню
вужудимни қалтироқ тутайди. Оёқларим бўшашиди.
“Бу кўприқдан қанчаллаб жангчилар ўтгандир, анави
соҳилдаги мағриби дарактининг ёши юз йилдан ош-
гандир, унга қанчаллаб аскарларнинг нигоҳи тушган-
дир, манови туннелсимон дарвозадан неча минг-
лаб ўғлонлар қириб-чиқмагандир, манови дарёда
тиқилган минг-минглаб жангчиларнинг нигоҳи ўша
кунлар абадиятга юмиллиб, уларнинг жасадини ер
отгандир, улар ернинг оғриғига айланишгандир...”
Оғир ўйлар мени довдиратиб қўяди. Қалъа ичка-
рисида, шундоқ сўл тарафимда харобага айланган
казармалар — ғиштлари сочилиб, тўкилиб бўлган,
ўқ ва снарядлар зарбидан илма-тешик деворлари
қўзим тушади. Катта казарманинг тепа қисмидан,
тенг ярмидан кўпроғини бомба ва снарядлар тўки-
чи ташлаган, унинг одам беличалик тик қолган де-
ворларига боқиб, юрагингиз орқага тортиб кетади.
Бу харобага урушнинг қонли панжалари қолдирган
жароҳатдан сўнг ҳеч ким қўл теккизмаган — очик
осмон остидаги фожиа тисмолида урушга атал-
ган лаънат бўлиб турибди. Бунинг ичигади ҳамма
одам қирилиб кетган, бу қиёматли манзара қаъ-
ридан инсон боласи тирик қолишига ишонмайсиз.
Ғишт кулга айланиб, тош ёнади-ю, одам тирик қо-
лармиди?

Мен казарманинг идраб турган бир бурчагига
суяниб, чўк тушаман. Қуръон тиловат қиламан.

— Бу ерларда ўзбек жангчилари ҳам бўлган-
дир-а? — дедим ихраб.

— Албатта, кўп ўзбеклар жанг қилишган бу
ерда. Қалъа музейига кирсангиз, керакли маълумотларни оласиз, — деди йўлбошловчи жувон.

Рўпарага юрамиз. Ўзбекистон қапида қад рост-
лаган иморатнинг ҳам айтуллик-дегулиғи йўқ. Де-
ворлари ўқ ва снарядлар тегиб ўйилган, ярми тўки-
лган бино ичидан аянчли оҳ-нолалар эшити-
лаётгандек туюлади. Улкан майдон саҳида бир
казармага кўз ташлаймиз, бу ҳам тўкилиб адо
бўлган. Қалъада черков деворларида ҳам уруш
излари. Қалъада ҳазин куй-қўшиқ янграб турибди.
Мардлик ва жасорат, буюк ирода тимсоли бўлган
хайкал ва ёдгорликлар, ҳалок бўлган жасур жанг-
чиларнинг исми-шарифи битилган мрамар лаҳ-
лар, гуриллаб ёнаётган Хотира олови... — бари-
бари қалбингизда сўнгсиз изтироб уйғотади, оёғ-
нинг остидаги ерда минг-минглаб нигоҳлар, қурбон
бўлган аскарларнинг қорачиклари порлаб турган-
дай бўлади. Қаёққа оёқ бошинингги бўлмасин.
Шунда ер қаъридан урушнинг оғриғи ўрлаб нола
қилаётгандай, ўзингни урушнинг қомида қолган-
дай, сен ҳам шўрпешона жангчилар сафида қон
кечаётган бўласан. Ҳа, урушнинг оғриғи мана шу!
Бу на китобга, на кинога сигади...

УРУШНИНГ ИЛК КУНИДА...

Урушнинг биринчи куннда фашист ҳамласига
қўксини қалқон қилган жангчилар ичида ўзбеклар

Қўчқор НОРҚОБИЛ

дастлабки куни билан юзма-юз келган уч ўзбек
жангчисининг исм-шарифларини келтирялман.

Бизга номаълум қанчаллаб ўзбек боболаримиз
бу жаҳаннам қомида қолиб кетишгани эса биргина
Яраттанига аён.

— Брестда жанг қилган бошқа ўзбеклар ҳақида
ҳам маълумотлар топиш мумкинми? — деб сўра-
дим “Қаҳрамон Брест қалъаси” комплекс музейи
илмий ходими Елена Владимировна Харичкова-
дан.

— Албатта. Кўп бўлишган. Қалъадан ташқари-
даги қисмларда ҳам ўзбек жангчилари мардона-
вор ҳимояда туришган, — деди у.

Елена Владимировна бизга Брест химоячиси
штаршина Дурасовнинг хотираларини ўқиб берди.
Унда неча кунлаб қаттиқ қуршовда қолган жангчи-
ларга казармадан чиқиб кечаси 6 марта сув олиб
келиб берган кўрқмас ўзбек санитар жангчиси ҳа-
қида ҳикоя қилинади. Бундан ташқари, қуршовда
қолган қалъа химоячиларига фашистлар радио-
қарнай орқали русча талаффузи бузиб: “Рус-
лар, сизлар таслим бўлинглар, сизлар таслим бў-
лишингиз керак!...” деб мурожаат қилган пайтида
казармалардан берида ўзбек ўғлони чапанича-
сига сўқиниб, у ҳам фашистга ўхшаб русча та-
лаффузни атайлаб бузиб: “Ўзбеклар-чи, ўзбеклар
асло таслим бўлмайди...” деб бақириб жавоб қай-
таргани, казармада гуриллаб кулги кўтарилгани,
кейин ўша ўзбек бор овозда ўзбекча қўшиқ қўйлаб
юборгани ҳақидаги хотираларни ўқиганини ҳам
айтиб берди. “Шундай оғир дамлларда ҳам ҳазил-
мутойибани, ўзини қалъитишни уддалай олган ўз-
беклар!” — деди Елена Владимировна.

У ЎЗБЕК ЭДИ

— Елена Владимировна, мен бир нарсани ўй-
лаялман. Агар Авазмат Ниёзматов ўзини ўққа тут-
май, қалъани тарк этаётган қисмга қўшилиб чиқиб
кетса, эҳтимол, тирик қолармиди?

— У ундай қилолмасди... — аёл жим қолди,
унинг овози қалтираб кетди, — йўқ, у бундай қи-
лолмасди.

Мен унга термилиб қоламан.
— Нега?
— Чунки у мард эди. У чин эркак эди...
Менинг вужудим жимирлаб кетади. Нигоҳимда
қайноқ ёш айланади.

— Чунки у ўзбек эди! — деди Елена Владимиро-
вна.

— Демак, менинг ўзбек боболарим... — бўз-
зимга нимадир тикилади.
— Ҳа, сенинг ўзбек боболаринг ҳам шу ерда,
шу жангтоҳда Беларусь заминини биринчилар-
дан бўлиб ҳимоя қилган. Бунн ҳар бир беларус би-
лади, унутмайди, — дейди Григорий Григорьевич.
— Бунн унутиб бўларканми? Сизлар бизнинг юра-
гимиз ардоғидаги халқсиз.

Мен уни бағримга босаман. Кўзлари гилт-гилт
ёшга тўлганини кўраман.

Музейдан чиқдик. Қалъада оғир, юракни ўпи-
риб, зириллатадиган гамгин куй-қўшиқ янграяпти.
Қулоқларим остида ўқ, портлаш ва гўмбурлаш са-
долари, жангчиларнинг қичқириқлари эшитила
бошлайди. Ҳар бир казарма ғиштидан, қалъа ат-
рофидидаги дов-дарактлар танасидан, Буг дарёси
соҳили ва сув сатҳида минг-минглаб жангчилар-
нинг қиёфаси қотиб қолганга, оёғим остидаги ерда

эса уларнинг нигоҳлари жавдираб турганга ўх-
шайди. Мен бу ерда урушнинг оғриғини ҳис қи-
ламан. Ҳа, киноларга, китобларга сиғмаган, сиг-
майдиган оғриқни англайман. Қайсидир бобом
манави кўприк устидан ўтаётиб, она юртимнинг
тиник суварини эсга олгандир, уруш деган му-
сибат бошланмасдан олдин шу ерда ҳарбий хиз-
матни ўтаётган боболарим бу даҳшат уларни ўз
қомига қўтиб юборишини, уларни излаб-бўзлаб бу
ерларга қелишимизни хаёлларига ҳам келтирган-
микинлар? Адоқсиз саволлар дилимни ўртаяпти.
Бу ҳам урушнинг оғриғи.

Бир куни қўл телефонимга хат келди. Хатнинг
мазмунини шундай: самарқандлик Мусаллам она
Шокирова “Янги Ўзбекистон” газетасида Бела-
русда кечган даҳшатли уруш ҳақида чоп этилган
мақолаларинини ўқиган экан. Она мактубни шун-
дай ажуллайди: “Тоғам Иброҳимов Мамашариф
“Фин урушидан қайтالمиз, Польшага келдик”, деб
хат ёзган. Сўнгги хатида эса: “1941 йил Брестга
борамиз, кейин уйга жавоб беришади”, деб хабар
берган. Бироқ у қайтиб келмаган. Уруш бошлан-
гач, Брестда қолиб кетган...”

Мақолага нукта қўйишдан олдин Брест қалъ-
асидан чиқаётганимизда ҳамроҳим Донёёр ака-
нинг: “Беларуслар ўзбекларни чин дилдан яхши
қўришини энди ҳис қилдингизми?” деган гапини
эсладим. У яна Днепрни кечиб ўтишда юз берган
жангда ҳам 6 нафар ўзбек ўғлони Совет Иттифоқи
Қаҳрамони бўлганлигини, бу жон тафсилотлари
билан Гомел вилоятининг Лоев туманига боргач,
танишувим мумкинлигини, у ердаги хиёбону қўча-
лар ўзбек ўғлонлари номи билан аталиши ҳақида
ҳам айтганди.

Туйқус Брест шахрида учратганим ўша сотувчи
аёлнинг гапи ёдимга тушди: “Ўзбеклар ҳар бир бе-
ларуснинг юрагида яшайди...” Бундан буюк эъти-
роф ва ҳурмат бўлиши мумкинми? Демак, кадр-
донимиз, Беларусь Ёзувчилар уюшмаси раиси
Алесь Николаевич Карлюкевичнинг “Беларуслар
Ғарбинг ўзбекларидир, ўзбеклар эса Шарқнинг
беларусларидир...” деган гўзал лутфи ҳам бежиз
эмас экан-да! Эсимда, адашмасам, бундан олти
йил олдин муҳтарам Президентимиз Шавкат Мир-
зиёевнинг Беларусь Республикасига расмий та-
шириф чоғида меъзбон мамлакат Президентни Алек-
сандр Лукашенокнинг Давлатимиз раҳбарига Ўз-
бекистон ва Беларусь бирдамлигига эҳтиром
сифатида бу улқа озодлиги йўлида қаҳрамонлик
кўрсатган ўзбек жангчилари жасорати акс этган
қимматли китобни совға қилиши замирида ҳам
шундай улуг туйғу мумассас эди!

Авазматнинг жасоратини ўзи хизмат қилган
125-ўқчи қисмининг 2-батальони взвод коман-
дир, ўзбек ўғлони Мухаммаджон Абдувалиев,
Брест қалъаси ичкарисидаги жангчи дўсти, яна
бир ўзбек ўғлони Мадамин Ҳожиёвнинг хотира-
лари ҳам тасдиқлайди.

Мана кўраясизми, шу ернинг ўзида урушнинг

Тошкент — Минск — Брест.



ЛИВИЯЛИК ГЕНЕРАЛ ТУРКИЯДА ҲАЛОК БЎЛДИ

Ливия армияси Бош штаби бошлиғи Мухаммад
Али Аҳмад ал-Ҳаддод бўлган хусусий самолёт 23
декабрь куни Анқара яқинида қулаб тушиши оқиба-
тида ливиялик генерал ҳалок бўлди.



Ҳукумат ўз ҳарбий қўмондонни ҳалок бўлганини тас-
диқлади.

Маълум бўлишича, Анқарадаги Ёсенбоға аэропор-
тидан Триполи шахрига учган “Falcon 50” самолёти би-
лан алоқа таҳминан 40 дақиқалик парвоздан сўнг йўқол-
ган. Учоқ бортдаги Ливия Бош штаби бошлигидан таш-
қари яна тўрт нафар йўловчи бор эди. Генералга унинг
маслаҳатчиси Мухаммад Ал-Асавий Диаб, қуруқликдаги
қўшинлар штаби бошлиғи, генерал-лейтенант Ал-Фай-
тури Ғариб, бригада генерали Махмуд Ал-Кативи ва
Бош штаб бошлиғи матбуот хизмати фотосуратчиси Му-
ҳаммад Умар Аҳмад Маҳжуб ҳамроҳлик қилган.

УЧ ҲУДУД ЭЛЕКТРДАН УЗИЛДИ

Россия яна Украинага дроңлар ва ракеталар ор-
қали ҳужум қилди. Расмийларнинг маълумотиға
қўра, ҳодисада уч киши ҳалок бўлган, бир неча ҳу-
дудларда энергетика инфраутизмиса шикасталган-
ган.



Тунги ҳужумда жами ўндан ортиқ туман зарба остида
қолган. Украина қуроли қучлари ҳаво қучларининг маълум
қилишича, ҳужумда турли тилдаги 635 та дроң, “Х-
101” ва “Искандер-К” русумли 35 та қанотли ракета, шунингдек,
учта “Кинжал” ракетаси қўлланган. Мамлакат бўйлаб
жами 30 та нуқтада қуроллар нишонга теккан.
Ҳужумнинг асосий нишонни мамлакат энергия тизими
бўлган. Украина энергетика вазирлиғи бу 2025 йил бо-
шидан бўён тўққизинчи шундай кенг қўламли ҳужум
бўлганини хабар қилган.

ФУҚАРОЛИКНИ ОЛИШ УЧУН ЯШАШ МУДДАТИ ЎЗАЙТИРИЛАДИ

Япония ҳукумати чет элликлар учун фуқаролик
олиш талабларини сезиларли даражада мураккаб-
лаштиршини режа қилмоқда. Илгари сурилаётган
ташабуусга қўра, мамлакатда яшаш муддати 5 йл-
дан 10 йилга оширилади ва мажбурий тил билиш та-
лаб ҳам жорий этилади.



Иммиграция қондаларининг қайта кўриб чиқишли
Ниппон Ишин партиясининг амалдаги стандартларни
ўта юмшоқ деб танқид қилганидан сўнг бошланди. Шун-
дан сўнг бош вазир Санаэ Такаичи қондаларни расман
қайта кўриб чиқиша буйруқ берди.

Либерал-демократик партиянинг 4 декабрдаги йиги-
лишида тақдим этилган таклифга қўра, фуқаролик бе-
ришда қуйидаги жиҳатлар инобатга олинади:

- 10 йиллик доимий истикомат (аввалги 5 йил ўр-
нига);
- намунали хулқ-атвор;
- 18 ёшдан катта бўлиш;
- барқарор даромад манбаи (шахсий ёки турмуш ўр-
тоғининг даромади, малакали кўникмалар).

АҚШ ҚЎШИМЧА ҚЎШИН ЖОЙЛАШТИРМОҚДА

АҚШ шу ҳафта Кариб ҳавзасига ҳарбий-ҳаво қуч-
ларининг махсус операцияларига тегишли қўллаб
самолётлар, қўшинлар ва ҳарбий ускуналарни жой-
лаштирди.



АҚШ манбаларининг маълумотларига қўра, 22 де-
кабрь куни минтақада қамида 10 та “B-22” Оспрей кон-
вертоплани ҳамда “C-17” юк ташувчи самолётлар пайдо
бўлган.

АҚШ куз бошидан бўён Венесуэла билан муносабат-
лар кескинлашгани натижасида Кариб ҳавзасида қў-
шинларини тўллаб келмоқда. Минтақада ҳарбий кема-
лар флотилияси, жумладан, энг замонавий “Жералд
Форд” авиаташувчиси ва бешта эсминец, авиаташувчи
зарба гуруҳи, денгиз пйёдалари гуруҳи, қирувчи само-
лётлар, радиоэлектрон қураш самолётлари ҳамда қут-
қарув вертолётлари жойлашган.

Интернет хабарлари асосида
Мухаммадсодиқ ТўРАЕВ тайёрлади.



Chortoq

“Chortoq mineral water”

қўшма корхонаси жамоаси

ҳамюртларимизни кириб келаётган

2026 йил билан табриклайди.

Янги йил Янги Ўзбекистонимизга зафарлар,

қувончлар олиб келсин!

Тинчлигимиз барқарор,

осмонимиз ҳамиша беғубор бўлсин!



МУТОЛАА

Технология ва тезкорлик даврида яшаямиз. Бугунги кун инсонини илм-фан, санъат ва маданият янгиликларидан кўра, кўпроқ янги русумдаги автомобиллар, айникас, “Iphone 17” каби трендга чиққан смартфонлар жалб қилмоқда. Жамоат жойлари ва транспортда ёшларнинг суҳбатига беихтиёр қулоқ осаман, уларнинг аксарияти фақат техник янгиликлар ҳақида сўзлайди: “Iphone 17” олдингми?” “Мен “Iphone 15”ни сотиб, янги “Iphone 17” олоқчиман...”

Очигини айтсам, интернетда ҳам, реал ҳаётда ҳам “Iphone 17” муҳокамасидан шунчалар чарчамдики... Ижтимоий тармоқлардаги маза-бемаза контентлар, бир-биридан савиясиз рекламалар... Кўплаб инсонлар интернетнинг исканжасига илинган замонда адабиёт ва шеъриятда янгилик яратиш, янгилик бўлса ҳам портлаш даражасида янгилик қилиш ниҳоятда мураккаб ва мушкул.

Ана шундай пайтда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, таниқли шоира, ёзувчи, драматург ва таржумон Фарида Афрўз ўзбек адабиётида янги тасбеҳ жанрини яратиб, юксак истеъдодини намойиш этди.

Севимли шоирамизнинг янгича формат ва ўзгача дизайнда “Ижод нашр” нашриётида тайёрланган, Истанбулдаги “Мега Басим” босма-хонасида нашр этилган “Шуур” китоби 10 000 нусхада чоп этилди. Китоб уч мисралик кичик шеърлардан иборат бўлиб, лирик композиция ва тугал мазмунга эгадир. Ҳар бир учликда ҳаяжон, ҳайрат ва ҳароратли ҳислар теранлик билан жамланган, улар 143 тасбеҳга жо бўлиб, бетакрор руҳда ўқувчига тақдим этилган. Аксарият инсонлар “Iphone 17” билан овера бўлган бир паллада Фарида Афрўз қалб телефони яратди. Бу учликлар қисқа, аммо ичига бир олам маъно ва мазмунни жам этган бўлиб, ўзининг бадиий қудрати, фикр сеҳри ва руҳий манифести билан ўқувчилар қалбига чуқур таъсир ўтказади. Ҳар бир учликнинг сўзлари — нафақат сўз, балки руҳий манзил, фалсафа ва ҳаётий драматиканинг сармоясидир. Бу учликлар Шарқ ва Ғарб фалсафаси, модерни ва классика, тасаввуф ва психологиянинг уйғунлашган бетакрор маҳсулидир. Шоира бу учликларда инсон қалбининг ички сукунاتини, ҳаётий синовлар, руҳий изланишлар ва ҳис-туйғуларни аjoyиб тарзда уйғунлаштиради.

Сен менга ҳеч дўст бўлолмайсан, Айт-чи, қачон, қандай чумоли, Кўтаролган филнинг юкини.

Дўст ким? Дўст шундай инсонки, яхши-ёмон кунингда йўлдош, керак бўлса, дўсти учун молдан кечади, жонидан кечади. Афсуски, шоир ўз шеърйда тилга олган дўст ундайлар сира-сиқа қирмайди. Шунча пайт ўзини дўстман, деб юрган дўсти ҳақида сўнгги қарорга келади ва “Сен менга ҳеч дўст бўлолмайсан”, дейди. Қа-

ранг, биргина сатрга жойланган маъно юкининг залворлигини! Ўзини дўстдек тутиб, аслида, бир корига ярамаган, оғир кунда сугамаган, шодлигида қувонмаган, тош келса, кемириб, сув келса, симириб, дўстини асрамаган одамни, дўстни дўст деб бўладими? Энди эътибор беринг, кейинги мисрада чумоли ҳақида гап боради. Митти жонзот чумолилар ҳар қандай меҳнаткаш бўлмасин, унинг жисми фил кўтарадиган катта юкни кўтаролмайди. Шу ўринда аjoyиб қиёслаш қўлланилганини кўриш мумкин. “Дўст” ўз зиммасидаги масъулиятни, дўстлик вазифасини, инсонийлик бурчининг юкини кўтаролмайди, шу сабаб чин маънодаги ҳақиқий дўст бўлолмайди. Гўё фил кўтарадиган юкни чумоли кўтаролмаганидай.



Ёхуд саҳрода қум барханларини кечиб, ҳориб, толиб, танидан мадори кетиб бораётган йўловчини тасаввур қилинг. Ҳаётдан, яшашдан умиди узилай деб турган паллада кўкка буй чўзган яшил дарахтини ва унинг соясида, қуёш нурида жилваланиб оқиб турган бўлоқ сувини кўргач, қандай ҳолга тушади? Албатта, йўловчи нафақат чанқогини қондиради, балки қалбида ҳаётга, яшашга бўлган умид қайта уйғонади. Ҳа, ҳаёт гўзал, яшаш янада завқли. Шоира шеърларини ўқиган мухлис нафақат қалб чанқогини қондиради, балки ҳаёт, умр

мазмунни, моҳиятини янада теранроқ англай бошлайди.

Ухлаётган эркак бошида Сайраётган булбул — Бахти қаро аёл.

Яна бир учликдаги фикрлар шодаси катта бир асар руҳини беради. Оила, эркак ва аёл. Жамиятнинг кичик бўғини. Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам, бор ҳам, йўқ ҳам айнан оиладаги муҳитга боғлиқ. Муҳит соғлом бўлса, эр-хотин бир-бирини ҳурмат қилса, тушунса, ўзаро муҳаббат, аҳиллик, меҳр-оқибат ришталари мустаҳкам бўлса, ундай оилалар энг бахтли оилалар сирасига киради.

Шоира учлигидаги эр-хотинлар аксинча. Эр парвойи фалак, аёлининг дарди, қалбида кечаётган изтироблар, оғриқларни ҳис қилмайди. Ухлаб ётибди.

Шоира аёлни булбулга қиёслайди. **“Сайраётган булбул”...** Булбул чиройли қуш... Ниҳоятда чиройли сайрайди. Унинг хонишдан кўнгиллар яйрайди. Лекин бу “булбул” аёл “Бахти қаро”.

Бахтсизлиги сабаби ўзи ишониб, катта-катта озулар билан турмушга чиққан эрида.

Аёлининг бахтли оила бекаси бўлиши учун эркак ҳаракат ҳам қилмаган. Аёлининг ҳеч бир дарди, фикрини тингламаган. Шоира аёлга нисбатан “бахти қаро” иборасини қўллаяпти. Демакки, аёл шу эркакка турмушга чиқиб, рўшнолик кўрмади. Қадр топмади. Эътибор кўрмади. Озуларни сароб бўлиб чиқди. Шоира бахтсизлик тушунчасини янада чуқурроқ ифода-лаш учун “бахти қаро” иборасини қўллайди. “Ухлаётган эркак бошида Сайраётган булбул — Бахти қаро аёл”. Учликнинг ҳар сатрида бир олам маъно мужассам. Бу эса катта маҳорат меваси. Бир оиладаги муҳитни рассом янглиғ уч мисрагина шеърда чизиб бера олиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Бир ҳовуч сувман кафтингда, Тўкиб юборсанг, Тўлқинман...

Бу учликдаги сув — шоиранинг тасбеҳларидаги руҳ тимсоли. Кафтдаги сув — инсон қалбидаги эҳтиёткорлик, муносабат, қадрлаш эҳтиёжидир. Агар қадр топмаса, сув тўкилади, лекин у йўқолиб кетмайди, аксинча, улкан бир тўлқинга айланади.

Бу тўлқин — руҳий ўсиш, ички уйғониш, оғ-

рикдан туғилган маънавий куч.

Бир вақтлар нонга навбат турардик, Суега, донга, ҳар нега... Бугун эса қадрга?

Бу учлик бугунги жамиятнинг энг катта фожиасига ишора қилади: одамлар кундалик эҳтиёжлар учун эмас, балки қадр учун навбат кутадиган замон келди.

Бу — Фарида Афрўзнинг “Шуур” китобидаги асосий руҳий магистрал: инсоннинг ички қадрини англаш, қалбнинг ҳақиқий қийматини билдириш.

Учликнинг яна бир оғриқли саволи — китобнинг умумий руҳий хитоби билан уйғун: бу саволнинг жавоби ўқувчининг ўзида уйғонади.

Порахўрликка кураш — Шамолга қарши Курашга ўхшайди...

Бу учлик жамиятнинг ахлоқий қатламини очади. Шамолга қарши курашиш — кўринмас кучга қарши кураш, бир инсоннинг бутун тизимга қарши ёлғизлигидир.

Бу фикр ҳам Фарида Афрўз тасбеҳларидаги фироқ, ички қайғу ва руҳий оғриқ билан уйғун. Қисқа, лекин жуда қучли ташбеҳ орқали жамият илллати очиқ-ойдин тасвирланган.

Эски бир қишлоқнинг Эски қулбасида Тугилади янги бир даҳо.

Даҳолар шоҳона шароитда эмас, кўхна қулбаларда, аммо улкан қалбларда туғилади.

Эски қулба — соддалик, ҳалоллик ва табиийлик макони.

Айнан шу соддаликдан янги бир истеъдод пайдо бўлади.

Бу учлик “Шуур”нинг ички ғояларидан бирига жуда яқин: буюклик соддаликдан туғилади.

Шу учликлар ҳам, “Шуур” таълимоти ҳам битта ҳақиқатни англатади: инсонни буюк қилган нарсас — гаджетлар, трендлар ёки “Iphone 17” эмас, балки қалб қадрли, руҳий уйғоқлик ва сўз сеҳридир.

Фарида Афрўз ўз китобида шунинг исботини берган: бир учлик — бир дунё.

Бир учлик — бир ҳаёт.

Бир учлик — бир ҳақимлик.

Шу сабабли, “Шуур” китоби нафақат китоб,

балки қалбга етказилган руҳий сеҳрdir.

Китобни қўлингизга олганингизда, худди смартфонга ўхшаш туйғуни ҳис қиласиз: ҳар



бир учликнинг мазмунни сўзлар билан бирга, танлаб жойлаштирилган визуал элементлар орқали ҳам тасаввурингизда янада жонли тасвирланади.

Бу шоиранинг шеърият ихлосмандларига берилган қалб телефони — ҳақиқий руҳий тухфадир.

Фарида Афрўзнинг учликларида Шарқ ва Ғарб фалсафаси, модерн ва классика, тасаввуф ва фалсафа бирлашиб, мукаммал янгилик яратади.

Ҳар бир учлик ўқувчида ички драматик куч, руҳий тафаккур ва фалсафий тафсилот уйғотади. Китобдаги учликлар ўқувчида сўзинг сеҳрини, адабиёт қудратини ва шоиранинг улкан истеъдодини руҳан ҳис қиладиган имконият яратади.

“Шуур”да адабиётнинг кучи, бекиёс қудрати учликларнинг ҳар бир сатрида янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Сўздан қалбингизга оқиб кирадиган ҳузур-бахш оний лаҳзалар, туйғулар, бетакрор фикр, хулосалар Сизни ўзга, гўзал бир оламга олиб киради. Бу олам зилол сув каби тиниқ, осмон каби беғубор, она алласидай ҳазин ва ёқимли. Бу адабиёт олами, шеърият олами.

Фарида Афрўз шеърияти, учликлари ҳам ана шу оламдаги чанқоқ, ёрқин нур каби кўнгилларга ёруғлик олиб киради. Уйлашга, мушоҳада қилишга, хулосалар чиқаришга ундайди. Бугун мен учун жуда қувончли кун: сеvimли шоирам менга ва барча ўқувчиларга “Iphone 17”дан ҳам бебаҳо ва қимматли “Шуур” қалб телефонини тухфа этди.

Ушбу китоб орқали ўқувчи сўзинг сеҳри, адабиётнинг қудрати ва шоиранинг улкан истеъдодидан руҳан баҳраманд бўлади.

“Iphone 17” ололмай, армонда юрганлар энди Фарида Афрўзнинг “Шуур” қалб телефони олиб, танишинг, ўқин!

Ушбу мўъжаз ва гўзал китоб билан муаллифни ва барча китобхонларни табрикласак жуда ярашиқли иш бўлади.

Жаҳонгир НАМОЗОВ.

НАСР

Тонг ёриша бошлади. Зулмат чекинди. Ним қоронғилик пайтида ҳам шарпалар қуймалана бошлади. Бу — қишлоқ одамлари. Тирикчилик деганлари шу бўлса керакда, тонг қоронғисида, ҳали йўлчи юлдуз чекинмай турибоқ, тирикчилик илинжида гимирлашарди.

Куз кунлари эмасми, сахармардондан далада иш қизғин. Суяги меҳнатда қотган нуроний отахонлар-у ёш-яланглар далага шошган. Одамлар шовқинидан сас олган тонг даракчилари ҳам жонланиб қолди. Ҳаво тоза, чет жой эмасми, сал шовқин ҳам қишлоқ четидаги-ларга-да баралла эшитилади. Қўй-қўзилар маъраб, уйқуси очилиб улгурмаган болакай ва қизалоқлар ҳайдовиди далада ўрлайди. Шу пайт:

— Ҳов, уйинг куйсин сен ўғрининг! — Эшмамат бобонинг нолиган овози бутун кўчага эшитилди. Бобо оқ ятак, сарпоячан кўчага отилиб чиқди. Бошидаги дўпписи қийшайиб, қип-қизил боши узра сийрак оқиш сочлари шамолда ўйнардди. Қўлидаги ҳассасини ҳавога иргаб-иргаб, йиғламсираган кўли қарганди. Юрак-юрақдан, ич-ичдан қарганди.

— Илоё, уйинг куйсин, ким бўлсанг ҳам! — отахон йиғламсираб қарганарди. — Улимилгимга деб олиб кўювдим-а! Пенсиямни жийиб олувдим-а! Болаларима овор бўмайин, девдим-а. Жигаринг эзилсин сен ўғрилдинг!..

Отахоннинг ичида гап қолмади. Айтиб-айтиб йиғлаб юборди. Кункун эмас деб, соатларни санаб, йиғиниб қўювди. Семирсин деб, ҳассасига суянса-да, қўлида ем тутаетган эди-я! Одамнинг меҳри тушмасин экан, тушса ёмон бўларкан.

Ўғиллари ўзлари билан ўзлари. Бу хабар бир зумда қишлоққа ейилди. Тилига эрк берган, шубҳаланган кўп бўлди. Кимдир из олди, яна кимдир сас. Кимдир эшитганидан, кимдир эса тахминларидан сўз олди. Ҳамма гап билан бўлди. Ота-хон беҳол молхонанинг кесак дево-



рига суянди. Лоҳас бўлди. — Учасковойга одам жўнатиш керак, — деди кимдир. Яна кимдир: “Маҳаллага бориш керак”, деди. Кўпга бормай, учасковой ёнида посбон билан етиб келди. Ишни ўрганган бўлди.

— Кўрамыз, топамиз, — деди. — Сиз чопиб юрманг, бобо. Бу ёғини бизга қўйиб беринг. Неча бош қўй эди?

— Учта қўчқор. Олти ойдан бери бойлаб жотувдим, — деди кўзда филт-филт ёш билан Эшмамат бобо. Ўғирланган қўйларини бир соатга қолдирмасдан топиб келишларига ишонгандек умид билан.

— Ҳамма тарқасин. Ўғрини биз ўзимиз топамиз. Қишлоқнинг тит-питини чиқарамиз, — деди Усмон учасковой.

Орадан уч кун ўтди. Ўғри топилди бўлиб, миш-миш бир болалади... Топилмадими...

тинчиди. Ё “тинчи(тиш)дими?” — Ўғри бегона эмас. Сизнинг уйингизни яхши билган одам ўғирлаган, — деди қўшнилardan бири. — Ҳа, ўғри, шундай, — маъқуллаган бўлди бошқа қўшнилardan яна бири.

— Ҳамсоя. Гап шу ерда қолсин-у, — деди қўшни Алибой бобо атрофга аланглаб олиб. — Шу учасковой билан посбоннинг тили бир. Мол шулардан бегона бўлмаган.

— Эй, қўшни, кўнгли душман, дейишади. Ҳар нарсаси деварман!

Эшмамат бобо ҳафсаласиз қўл силтади.

— Эй, шуйтаберасиз-да. Ўғри бегона эмас, шулардинг одами. Бўлмаса, давно ушлаб келарди ўғрини. Топилди, топилди бўп, мана, жимжит-ку. Одам боласига гап тутмайди. Гап бир одамга иқовладими, тамом, ушлашмайди, эл оралайди. Ана, кеча сизни тагин девор суят-

ди-ку! Прокурорга борманг, ўзимиз топамиз деб.

— Бўлмаса, борайми?

— Пойдаси жўқ, аввалроқ бўғанда майли эди. Ҳаммамиз унга ишониб онг қолдик. Ўғрининг изи чанг минан жобилип кетди. Бу ховлининг ҳар жерида сизнинг изингиз, исингиз анқиб жотибди. Ҳа, деса, жеталаб кеган ити ис олиб, сизга қараб ҳураберса, унда сиз ўғри бўб қоласизма? Бир камингиз шу иснатти кўтаришингиз қабидима?

— Иби...

— Ҳа-а, ана, отағинангизга раҳмат. Шу-да!

— Уч молимдан айрилиб қолабераманми?

— Энди билмадим. Осмон жироқ, жер қотти бўп турибди... Қарайсиз-да! Туянинг устида ит қопгани шу бўлар экан...

— Худога солдим. Худо бор-ку! Кетар навбат меники эди. Тарад-

дудимни жебидим. Майли, у шошибди. Илоё, ниятига жетказсин, — дуо қилди Эшмамат бобо дийдаси юмшаб. Кўзидаги ёши соқолига томди.

Лекин ўша куни қуёш ботмай, Эшмамат бобонинг эшигини тақиллатиб келишди. Қараса, маҳалладоши тadbиркор Соатмуродбой.

— Ота, манов таначани сизга олиб келувдим. Шу ишни Худо кўнглимга солди. Бу ёғи “меҳр-мурувват ийли” деб эълон қилинган. Бир дуо беринг...

Буёғини отахон эшитмади. Кўнгли аллақандай завқ-шавққа тўлди. Худо етказса, шуйтиб етказаверар экан-да! Дуо қилди.

Орадан бир неча кун ўтиб, учасковойнинг машинада ҳалокатга учрагани ҳақида хабар келди. Худо сақлаган эканим, ҳайтовур посбон шифохонага қадар етиб келибди. Афт-ангорига қараб бўлмас эди. Эшмамат бобони кўп сўратди, хўп сўратди. Отахон етиб борган вақти тилдан қолган посбон имо-ишора қилди. Ҳеч нарсаси дея олмади. Фақат кеңирим сўрамоқчи бўлиб кўп қийналди.

— Нимага?

Тил йўқ, гап йўқ. Худо билар! Эшмамат бобонинг кўнглига бир гап келиб, тилини тишлади.

— Кўнгил душман, — деди.

“Эшмамат бобонинг қарғишини олибди. Қўймабди...”

Тагин яна бир тонг ёришди.

Одатдагидек, тонг қоронғисида қишлоқ ичра яна ҳаёт қайнай бошлади. Эшмамат бобонинг ҳовлисидан кўтарилган қучли қаҳқаҳадан қўшнилари яна йиғила бошлашди.

— Нима гап?

— Ҳада қилинган таначани ҳам ўғирлаб кетишибдими?

— Отахон ақлдан оздими?

Отахон эса бирин-кетин эшикдан кириб келаетган кўни-қўшниларга бепарво, тиззасини шапаталаганча кўрага қараб куларди.

Қўрада эса ўғирланган уч қўчқор турар эди.

Қўйил, афтидан, тавба қилишганим, ишқилиб, кечаси қўчқорларни кўрага қайтариб ташлаб кетишибди...



Муаллиф ҳақида:

Очил ХУДОЙБЕРДИЕВ — 1942 йили Сурхондарё вилояти Жарқўрган туманида туғилган. 1972 йил Тошкент давлат университет (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультети журналистика бўлимини тугатган.

Муаллифнинг “Баҳор соғинчи”, “Сенсиз бу дунё”, “Меҳрингни дариг тутма”, “Кечиккан бахт”, “Армонли дунё”, “Сўқмоқдаги одамлар”, “Садоқат”, “Алвидо, ёшлик” сингари қатор шеърий ва насрий китоблари чоп этилган.

Қарийб 50 йилдан зиёд Сурхондарё вилоятидаги турли матбуот нашрларида хизмат қилган. Ҳозирда нафақада.

СИЙРАТ

Илм ҳам физика қонунларига ўхшайди. Унда ҳаракат бор, куч бор ва аниқ йўналиш мавжуд. Ана шу йўналишни белгилай оладиган шахслар жамият тараққиётининг марказида туради. Чирчиқ давлат педагогика университети ректори — Ғафуржон Исроилович Муҳамедов шундай инсонлар сирасига қиради. У илмни ҳаёт мазмунига, маърифатни эса тақдир траекториясига айлантирган, тафаккури билан таълим келажигининг векторини белгилаб бераётган забардаст олим ва замонавий раҳбардир. Кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби унвони соҳиби бўлган бу фидойи инсон илм оламида катта энергия манбаи, олий таълим тизимида эса барқарор ривожланишни таъминловчи таянч нуқта сифатида танилган.

1946 йил 20 декабрда Тошкент шаҳрида дунёга келган Ғафуржон Муҳамедов болалигиданоқ илмга чанқоқ, билимга интилувчан, изла-нишдан чарчамайдиган шахс сифатида шакл-ланди. Физика қонуниятлари билан айтганда, бўлажақ олимнинг билимга нисбатан "тортилиш кучи" юқори бўлиб, у доим илмий майдон мар-казига интилар эди. Ана шу интеллектуал гравита-ция унинг ҳаёт йўлини аниқ белгилаб берди. Из-ланишлар траекториясини барқарор орбитага содди ва уни илм оламининг марказига олиб борди.

Тошкент давлат университетининг физика фа-кулъетини тамомлаган ёш мутахассис ўз били-мининг потенциал энергиясини ошириш мақса-дида Москвадаги Физика-кимё илмий-текшириш институтида тадқиқотлар олиб борди. Бу даврда орттирган тажрибаси унга доимо асқотди. 1991 йилда Ломоносов номидаги Москва давлат уни-верситетида докторлик диссертациясини муваф-фақиятли ҳимоя қилиб, кимё фанлари доктори даражасига эришди. Шу билан унинг илм соҳаси-даги йўли янги босқичга, яъни юқори тезликдаги тараққиёт "орбита"сига чиқди. Илмий фикрлари эса импульс олиб, кенг фазовий майдонда эркин ҳаракатлана бошлади. Назария ва амалиёт ўр-тасидаги резонансни таъминлаб, ишлаб чиқариш

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ
“ОРБИТА”СИНИНГ ЕТУК ОЛИМИ

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор, Чирчиқ давлат педагогика университети ректори
Ғафуржон МУҲАМЕДОВ ҳақида сўз

жараёнларида самарадорлик коэффициентини юксалтиришга хизмат қилиб келмоқда.

Олимнинг илмий мероси салмоқли ва сер-қирра. Полимер кимёси, экологик муаммолар, аг-росаноат соҳасидаги долзарб масалаларга ба-ғишланган фундаментал ва амалий тадқиқотлар, қатор монографиялар, 250 дан ортиқ илмий ма-қола ҳамда ўнга яқин ихтиро ва муаллифлик гу-воҳномалари унинг фан тараққиётига қўшган ул-кан ҳиссасини аққол намоён этади.

Фан арбобининг раҳбарлиги остида 10 дан ор-тиқ фан докторлари, 15 га яқин фан номзодлари етишиб чиқди. Устоз учун ҳар бир шогирд — янги қувват зарраси бўлиб, уларнинг илмий натижа-лари миллий фан тизимининг умумий қувватини ошириб келмоқда. Олим сифатида унинг илмий ишлари халқаро илмий жамоатчилик томонидан ҳам юксак баҳоланиб, кенг эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда профессор Ғафуржон Муҳаме-дов номи Чирчиқ шаҳри билан чамбарчас боғлиқ. Бир пайтлар ҳарбийлар ва саноат маркази сифа-тида танилган шаҳар сўнгги йилларда илм-маъ-рифат, таълим ва зиёлилар маконига айланиб улгурди. Бу ижтимоий трансформация жараё-нида олимнинг стратегик фикрлаши ҳал қилувчи импульс бўлди. Бу импульс эса бутун тизим ҳара-катини янги тезланиш билан таъминлади.

Ҳикоямиз қаҳрамони ректорлик лавозимига тайинланган илк кунлариданоқ Чирчиқни зиё-лилар шаҳрига айлантиришга ҳисса қўшиб кел-моқда. Натижада қисқа вақт ичида университет ҳаётида фазавий силжиш юз берди. Таълим си-фатини ошириш, замонавий бошқарув модел-ларини жорий этиш, рақамли ва электрон таъ-лим тизимини ривожлантириш орқали таълим

жараёни янги босқичга ўтди. Рақамлаштирилган баҳолаш тизими, электрон дарсликлар, иннова-цион ўқув платформалари ва янгиланган таълим стандартлари университетнинг барқарор ишла-шини таъминлайдиган асосий механизмларга ай-ланди. Таълим тизими мувозанат ҳолатига келиб, самарадорлик коэффициенти ортиб борди.

Раҳбарнинг қуюнчақлиги ва ташаббускорлиги туфайли олий таълим ўчоғида юқори салоҳиятли профессор-ўқитувчилар жамоаси шаклланди. Бу жамоа бир бутун тизим сифатида ишлаб, ҳар бир аъзо ўз ўрнида аниқ функцияни бажараётган му-каммал механизмни эслатади. Халқаро ўқитувчи-ларни тайёрлаш, қўш мутахассислик дастурла-рини йўлга қўйиш ҳам ушбу тизимнинг самара-дорлигига ҳисса қўшди.

Профессор ташаббуси билан жорий этилган Педагогик таълим инновация кластери эса уни-верситетнинг илмий таълим майдонида янги куч марказини яратди. Бу кластер фан, таълим ва амалиёт ўртасидаги ўзаро таъсирни кучайтириб, илмий жараёнларнинг узлуксиз ҳаракатини таъ-минлади. Докторлик ва фалсафа доктори дис-сертацияларини тайёрлаш, илгор педагогик тех-нологияларни жорий этиш айнан шу муҳитда янги босқичга кўтарилди.

Ғафур Муҳамедов очиклик ва адолатни асосий қонун деб билади. У талабаларни университет ҳаётининг фаол иштирокчиси сифатида кўради. Ёшлар билан очик мулоқот, уларнинг ташаббус-ларини қўллаб-қувватлаш раҳбарлик услубининг асосий драйверига айланган. 2025 йилда талаба-лар билан ўтказилган учрашувлар бу жараённинг ёрқин исботи бўлди.

— Университетимиз фақат билим берадиган

жой эмас, балки шахс камолоти шаклландиган лабораториядир, — деди ректор. — Биз талаба-ларимизни замонавий билимлар, илмий изла-нишлар ва миллий қадриятлар уйғунлигида етук мутахассис этиб тарбиялашни мақсад қилганмиз. Азиз талабалар! Сизлардан фаоллик, ташаббус-корлик ва доимий изланишни кутиб қоламиз. Ҳар бирингиз ўз олдингизга катта мақсад қўйиб, уни-верситет имкониятларидан тўлиқ фойдаланинг. Биз эса сизларнинг ҳар бир ютугингизга ҳамкор ва таянч бўламиз. Биргаликда юртимиз келажаги учун муносиб кадрлар етиштириш йўлида меҳнат қиламиз.

Ғафуржон ака таълим ва тарбияни бир бу-тун, узвий тизим сифатида кўра оладиган раҳ-бардир. У миллий қадриятлар ва замонавий ин-новацияларни уйғунлаштирган ҳолда, ёш ав-лодни маънан етук, чуқур билимли, мустақил фикрлай оладиган ва рақобатбардош мутахас-сислар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қа-ратмоқда.

Университетнинг халқаро нуфузи йил сайин ошиб бормоқда. Хорижий олий таълим муасса-салари билан қўшма дастурлар, халқаро лойи-ҳалар ва академик алмашувлар университетни жаҳон таълим макони билан синхрон ҳаракатла-наётган тизимга айлантирмоқда.

Сўхбат асосида "Газета ўқувчиларига ай-тар сўзингиз?" деган саволимизга шундай жавоб берди:

— Матбуот — жамиятда фикр ва маърифатни шакллантирадиган энг фаол қатлам. Бу нафақат ахборот манбаи, балки жамиятнинг ойнаси, халқ-нинг овозидир. Шу боис, "Чирчиқ тонги" ва Чир-чиқ давлат педагогика университетининг газета



ичида газетаси — "Таълим зиёси" саҳифаларида ёритилаётган ҳар бир мақола, ҳар бир таҳлил орқали ҳақиқат, холислик ва тараққиёт ғоялари қарор топмоқда. Азиз муштарийлар, сизларни бефарқ бўлмасликка, ҳаётда бўлаётган янги-ликларга фаол муносабат билдиришга, илмий-маърифий ва ижтимоий масалаларга онгли ён-дашишга чорлайман.

Қарийб ярим асрдан буён унинг педагогика со-ҳасида эришган ютуқлари ва меҳнати муносиб баҳоланиб, "Ўзбекистон Республикаси фан ар-боби" унвони, "Меҳнат шухрати" ордени, "Ўзе-бекистон Конституциясининг 30 йиллиги" эсдалик ва "Олий таълим аълочиси" кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Илм-фан фидойиси, катта олим, устоз ва жонкуяр раҳбарни шу кунларда қарши олаёт-ган табарруқ ёшлари билан самимий қўтлай-миз. У кишига мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, эл-юрт равнақи йўлидаги шарафли ишларида улкан муваффақиятлар, илмий ва ижодий фао-лиятида янги "орбита"ларни забт этишига ти-лакдошимиз.


Саодат МУСАЕВА,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

ҚУТЛОВ



Biznesni Rivojlantirish Banki

Yangi 2026 yilingiz muborak bo'lsin!





1254
www.brb.uz



BRB ilovasi bilan bank xizmatlari tezkorligini his eting
Ilovani yuklab oling va foydalanishni boshlang

Xizmatlar litsenziyalangan.



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Адади: 4 123
Буюртма — Г-1244

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 23⁰⁰



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Эркин Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Йўлдош Маҳмудов, Мусаҳҳиҳ: Зухро Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.